ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

Қишлоқ ҳаёти

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1996 йил
26 апрель
ЖУМА
№ 31 (5.703)
сотувда эркин нархда

ТАЪСИСЧИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

АМИР ТЕМУР ДАВРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РУҲИ БИЗГА НАМУНА БЎЛАВЕРСИН

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЮНЕСКО ҚАРОРГОҲИДАГИ КЎРГАЗМАНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Федерико Майор жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган **«Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши»** ҳафталигини ўтказишга эътибори ва мадади учун ЮНЕСКО раҳбариятига самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсизлар.

XVI асрдаги бу буюк шахс шарафига тантаналар Парижда — Европанинг қоқ марказида, тарихнинг ўзи яққол кўриниб турган, маърифат, илм-фан, санъат, абадий ғуззаллик шаҳрида бошланаётгани чуқур рамзий маънога эга.

Бугун очилаётган ва Амир Темур ҳамда темурийлар даврининг улуғвор маданий ютуқларига асосланган кўргазма ўтмиш даврлардаги бебаҳо ёдгорликлар, Узбекистон тасвирий санъати ва халқ ижодиёти намуналари билан танишиш учун ажойиб имконият дир.

Тарихда **«Турон», «Туркистон» ва «Мовароуннаҳр»** номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса Узбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб-яшнади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдирди.

Узбекистон маданиятининг хилма-хиллигини қадимги даврлардан буён турли карвон йўллари, дунёнинг турли томонларидан келадиган савдо-сотиқ, инсоний алоқалар йўллари ва албатта — халқаро алоқалар: иқтисодий алмашув, ҳунармандчилик, фан ва санъат ҳаракатларининг жонли қон томири бўлган Буюк Ипак йўлининг мавжудлиги белгилаб берган.

Қадимги **Сўғд, Хоразм, Бактрия, Кушон, Парфия, Эфталитлар** подшоликлари жаҳонга буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар ва меъморларни етиштириб берган диёримизнинг олтин бешигидир.

Узбекистон халқи минглаб йиллар давомида барпо этилган улкан маънавий мерос билан фахрланади.

Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, буюк Шарқ мутафаккирлари **ал Бухорий, Ат Термизий, Аҳмад Яссавий, Боҳовуддин Нақшбанд, ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур** асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди.

Хонимлар ва жаноблар!

Бир неча ойдан сўнг Узбекистон ўз мустақиллигининг 5 йиллигини нишонлайди.

Утган йиллар ёш республика учун янги давлатчиликнинг қарор топиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётининг шаклланиши йиллари бўлди.

Энг муҳими — бу маънавият манбаларига, миллий илдизларимизга қайтиш, тарихий хотирани, маданият ва маънавиятни қайта тиклаш йиллари бўлди.

Узбекистон халқи Франция, Буюк Британия ва Германияда, бошқа Ғарб мамлакатларида Амир Темур шахси билан қизиқиш ҳеч қачон сўнмаганига миннатдорлик билан қарайди.

Бу ерда XV асрдаёқ Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилиб, унга **«Европанинг халоскорига»** деган чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган.

Айни Амир Темур боскинчи тўдаларнинг Европа ичкарисига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа тажовузкорлик юришларини узоқ муддатга тўхтатиб қўйганини ҳозир инкор қилиб бўлмайди.

Маърифатли **Мовароуннаҳр руҳи**, Темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига қўмаклашганини англаб фахрланамиз.

«Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баравар фойдалироқдир», деган доно сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, огоҳлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради.

Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жўғрофийсиёсий маконда эканликларини ҳис этди.

Бу фақат улкан афзалликдагина эмас, савдогарлар, халқлар ҳеч қандай тўсқинликсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоён бўлди.

Узаро ишонч, ҳамкорлик, умумий муросага келиш мумкинлигига аминлик ўша мураккаб ва жўшқин давр қувончлари ва азобларида вужудга келган асосий қадриятлардир.

Буюк стратег, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислоҳотчиси, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган **Амир Темур «Қонунлар ва урф-одатларга асосланган» давлатни барпо этди.**

ЮНЕСКО қароргоҳидаги ушбу кўргазма Амир Темурнинг **«Чиндан ҳам ишларимиз бизни кўрсатиб туради!»** деган машҳур сўзларини яққол тасдиқламоқда.

Марказий Осиё маданий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда қайта тиклашга доир махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ЮНЕСКОнинг қўшган улушини Узбекистон юксак даражада қадрлайди.

Бу Узбекистон учун айниқса қимматлидир, Узбекистонда, маълумки, машъум совет даврида кўплаб маданият ёдгорликлари бузиб юборилган, ер билан яксон қилинган эди.

Шу сабабли биз амалга оширилаётган турли лойиҳаларда, хусусан Узбекистон ҳудудидаги археология экспедицияларида турли мамлакатлар, шу жумладан, Япония ва Франция олимлари ҳамда мутахассисларининг иштирокини жуда қадрлаймиз.

Қўриқхона мажмуаларидаги таъмирлаш ишларида, мамлакатимизда халқаро туризм индустриясини барпо этишда катта ёрдам кўрсатилмоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

ЮНЕСКОдаги кўргазма ҳамкорлиги учун Узбекистонга, Амир Темур Ватанига боришга ўзига хос таклифномадир.

Ишончим комилки, меъморлик ёдгорликлари, қадимги қўлёзмалар, Туркистон халқ усталари ясаган буюмлар асрлар оша сизларга улуғворлиги ва бадиий шаклларнинг пухталиги билан, фикр ва ижод теранлиги, маънавий софлик билан завқ бағишлайди.

Улар ақл-идрокни юксакликка қўтаради ва ҳозирги инсон Ғарбдами ёки Шарқдами — қаерда яшамасин, унинг қалбига етиб боради.

Кўз олдингизда очилган кўргазма маънавий ва маданий қадриятлар бизни бир-биримизга яқинлаштирадиган, ҳамжиҳатликка эришишда ёрдам берадиган, ҳамкорликнинг янги уфқларини очадиган бойлик эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Амир Темур замонасида яққол намоён бўлган бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бугун бизга яхши намуна бўлиб хизмат қилаверсин.

Қадим-қадим замонларда вужудга келган Буюк Ипак йўли яшайверсин, қайта тикланиб, Шарқ билан Ғарб ҳамжиҳатлигига, тинч ва бунёдкорлик алоқаларига хизмат қилаверсин.

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун мен ҳам қувончли пайтдан фойдаланиб, Франциянинг таниқли олими профессор **Люсьен Керэн** Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, темурийлар даврининг бой маънавий қадриятларини кўп йиллар давомида самарали илмий тадқиқ этгани, Франция ва Узбекистон халқлари маданиятининг яқинлашиши ва ҳамжиҳатлиги ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун Узбекистоннинг юксак давлат мукофоти — «Шуҳрат» медали билан тақдирланганини маълум қилмоқчиман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

* * *

Узбекистон Президенти Ислом Каримов ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорга мамлакатимизнинг «Дўстлик» орденини, Франциянинг таниқли темуршунос олими, профессор Люсьен Керэнга эса «Шуҳрат» медалини тантанали суратда топширди. Ф. Майор ва Л. Керэн ўз фаолиятларига берилган юксак баҳо учун Узбекистон раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирдилар.

Юксак мукофотларни топшириш маросимида Франция Республикаси Президенти Жак Ширак иштирок этди.

(ЎзА).

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

25 апрель куни Тошкентда биринчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси иш бошлади.

Мажлислар залида Узбекистон ҳукуматининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ҳамда дипломатия корпусининг, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хорижий ва республика оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.

Сессия мандат комиссиясининг раиси Ш. Мирзиёев маърузаси бўйича Олий Мажлиснинг янги сайланган депутатлари И. Ғафуров ва Ф. Муҳитдинованинг ваколатларини тўғри деб топди.

Депутатлар сессиянинг ишчи органи — котибиятни туздилар, кун тартибини тасдиқладилар.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов Россия Федерацияси Давлат Думасининг Беловеж битимларини бир томонлама бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ҳамда собиқ совет ҳудудидаги давлатлараро муносабатларда юз бераётган айрим жараёнлар муносабати билан Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Узбекистон Республикаси халқ депутатлари кенгашларининг қўшма қарори тўғрисидаги масала юзасидан маъруза қилди.

Музокараларда депутатлардан Урганч давлат университети ректори А. Саъдуллаев, «Миллий тикланиш» демократик партияси раисининг биринчи ўринбосари, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири И. Ғафуров, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков, «Қизилқумноёбметаллолтин» концерни раиси Н. Кучерский, Фарғона вилоятининг Қува туманидаги Ш. Рашидов номли «Анор» жамоа хўжалиги раиси М. Сайфитдинова, Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, «УзДЭУавто» қўшма корхонасининг бош директори Ш. Юсупов, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси У. Ҳошимов, «Шарқ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Г. Сидаков, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори Н. Иброҳимов, Бухоро вилоятининг Қоракўл тумани касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси М. Олтиев, Қашқадарё вилоятидаги «Мубораксгаз» газ конлари бошқармаси бошлиғи И. Келеш, «Халқ бирлиги» ҳаракати раиси, Тошкент давлат университетининг проректори Т. Долимов сўзга чиқдилар.

Мазкур масала муҳокамасидан сўнг қўшма қарор қабул қилинди.

Сўнгра парламент аъзолари Узбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси иккинчи қисмининг лойиҳасини кўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари Н. Исмоилов маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда депутатлардан Нукус шаҳри ҳокими А. Аметов, Самарқанд вилоятининг Иштихон тумани ҳокими С. Муродов, Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси Ф. Омонов, Фарғона давлат университети кафедраси мудири Ю. Нишонов, Тошкент ҳуқуқшунослик институти ректори Ҳ. Бобоев иштирок этдилар. Фуқаролик Кодекси иккинчи қисми лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаш ва уни кенг муҳокама қилиш учун матбуотда эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Мазкур масала юзасидан депутатлар: Хоразм вилоятидаги Хонқа пахта тозалаш заводининг директори И. Бобожонов, Сурхондарё вилоятидаги Денов автобустаксомотор парки директори К. Сапиев, Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани ҳокими К. Исроилов, Тошкент вилояти тадбиркорлик ва кичик бизнес жамғармаси раиси А. Юсупов, Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг котиби Р. Турдиев сўзга чиқдилар. Шундан сўнг қонун қабул қилинди.

Олий Мажлиснинг кечки мажлиси акциядорлар жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Бу масала юзасидан Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев маъруза қилди. Музокарада депутатлар: Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳокими Н. Бердиқулов, «Файз» акционерлик мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М. Азимова, Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги «Косон» моддий-техника корхонасининг бош муҳандиси Н. Сойибов сўзга чиқдилар. Олий Мажлис қўмитага депутатлар айтган таклифлар ва мулоҳазаларни ўрганиб, натижаси ҳақида парламентга ахборот беришни топширди.

Депутатлар Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадовнинг маърузасини тингладилар. Мазкур масалани муҳокама қилишда депутатлар: Сурхондарё вилояти савдо-тайёрлаш бирлашмасининг раиси Х. Қиличев, Наманган шаҳри ҳокими М. Каримов, «Узкоммунмаштаъминот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори О. Мансуров, Навоий шаҳри ҳокими Б. Ҳамдамов иштирок этдилар. Муҳокамадан сўнг депутатлар мазкур қонунни қабул қилдилар.

Сўнгра сессия иштирокчилари иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошевнинг Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тингладилар. Парламент депутатлар: Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Алишер Навоий номли халқ корпорацияси раиси А. Зиёев, Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги «Узбекистон» жамоа хўжалиги раиси Р. Эҳсонов, Сурхондарё вилоятининг Музработ тумани ҳокими А. Лапасов ва Хоразм вилоятидаги Хева шаҳри ҳокими Э. Раҳмоновнинг нутқларини тинглаб, мазкур қонунни тасдиқлади.

Шу билан парламентнинг кечки мажлиси тугади. Олий Мажлис ўз ишини давом эттирмоқда.

Олий Мажлис сессиясида. Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДАВЛАТ ДУМАСИ БЕЛОВЕЖ БИТИМЛАРИНИ БИР ТОМОНЛАМА БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛГАНЛИГИ ҲАМДА СОБИҚ СОВЕТ ҲУДУДИДАГИ ДАВЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЮЗ БЕРАЁТГАН АЙРИМ ЖАРАЁНЛАР МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИНИНГ ҚЎШМА ҚАРОРИ

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Узбекистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашлари Россия Федерацияси Давлат Думаси Беловеж битимларини бир томонлама бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги, Белоруссия Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ҳамда Қирғизистон Республикаси ўртасида интеграция жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида шартнома, шунингдек, Белоруссия ва Россия ўртасида Ҳамжамият тузиш ҳақида шартнома имзоланганлиги муносабати билан юзага келган вазиятни муҳокама қилиб, ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:

1. Қайд этилсинки, Россия Федерацияси Давлат Думасининг моҳиятига кўра СССРни қайта тиклашга қаратилган қарори ғайриқонуний бўлиб, халқларнинг суверенитети ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳамда ташқаридан аралашувсиз ўз келажагини ўзи ҳал этиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган нормалари ва принципларини кўпол суратда бузади.

Узбекистон парламенти мамлакат кўп миллатли халқининг хоҳиш-иродасини бажара бориб, 1991 йил 31 августда, Беловеж битимлари тузилишидан анча илгари Узбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди. Бу мустақиллик 1991 йил 29 декабрдаги умумхалқ референдумида ҳам тасдиқланиб, унда фуқароларнинг 98,2 фоизи ўз давлатларининг мустақиллиги ва суверенитетини қатъий ёқлаб овоз берди.

2. Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур воқеалар юзасидан билдирган фикр ва хулосалари қўллаб-қувватлансин. Давлатлараро интеграция ва кооперациянинг Президент томонидан баён этилган бешта шарти барча давлат тузилмаларининг бу бодаги амалий фаолияти учун асос тариқасида маъқуллансин.

3. Шу нарса таъкидлаб ўтилсинки, у ёки бу суверен давлатнинг «чуқур интеграция» деб аталмиш турли битимлар ёки шартномаларга қўшилиши, интеграциялашган давлатларнинг ҳар хил ҳамжамиятларини тузиш ҳар бир алоҳида давлатнинг эркин ҳуқуқи, ички ишидир.

4. Собиқ Иттифоқни ҳар қандай шаклда, у Евроосиё Иттифоқи бўладими, федерация ёки конфедерация бўладими, қайта тиклашга қаратилган ҳамда миллатлар устидан турувчи тузилмалар яратишни назарда тутадиган давлатлараро иттифоқлар ва бирлашмаларда иштирок этиш суверен, мустақил давлатнинг мақомига зидлиги сабабли Узбекистон Республикаси учун мақбул эмас деб ҳисоблансин.

Интеграция ниқоби остида бугунги кунда суверен ва мустақил давлатларни ҳамда уларнинг халқларини ўтмишга қайтариш, тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизимини ва коммунистик мафкурани қайта тиклашга қаратилган ташаббуслар ва интилишлар айниқса, хавфлидир.

5. Узбекистон Республикасининг барча манфаатдор тузилмалари МДҲ доирасида интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш ва айниқса, Марказий Осиё минтақасида бу муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш тадбирларини кўриши зарур деб ҳисоблансин.

Интеграция тенг ҳуқуқлилик асосида ва узаро фойдали бўлиши, ҳар бири ўз кучи ва имкониятига таянадиган ҳамда халқаро эътироф этилган нормаларга мувофиқ шахсий ва умумий манфаатлар йўлида бошқа мамлакатлар билан ихтиёрий ҳамкорлик қиладиган давлатларнинг мустақиллиги, суверенитети ва эркинлигини камситмаслиги лозим.

Узбекистон Республикаси учун уни қарама-қарши турувчи блокларга қайтаришга ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш сари интилишини чеклашга қаратилган уринишлар ҳам мутлақо номақбулдир.

* * *

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Узбекистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашлари бутун халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалаб шуни маълум қиладиларки, Узбекистон ўзи танлаб олган, мустақил демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишга, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувга қаратилган йўлдан ҳеч қачон қайтмайди ва ўз мамлакатининг гуллаб-яшнашини, унинг барча фуқаролари муносиб турмуш кечиришини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 25 апрель.

ЯШИЛ ДАЛАЛАР

Чиноз туманидаги Турсуной Охунова номли жамоа кенг тармоққа ихтисослаштирилган хўжаликлардан. Бу ерда ҳар йили пахта, ғалла, картошка, карам, маккажўхоридан юқори ҳосил олинади. Ўтган йили хўжалик миришкорлари 900 гектар майдоннинг 430 гектарида пахта ундириб, баракали хирмон кўтаришди. Хизматига яраша ҳар бир деҳқон бир сўмига бир сўм 50 тийиндан даромад олди. Хўжаликнинг умумий соф фойдаси ҳам оз бўлмади.

Жорий йилда хўжалик миришкорлари 400 гектар майдонга оби-тобида ишлов бериб, барака уруғини қададилар. Айни пайтда чигит униб чиқиб, ишлов берилмоқда. Бошқарув раиси Набижон Бектуровнинг фикрича, меҳнат унумдорлигининг асосий омили фермер хўжаликларининг ташкил этилганлигидадир. Ҳозир бу ердаги 7 та пахтачилик бригадасининг барчаси оилавий фермер хўжаликларидир.

Эътиборлиси шундаки, хўжаликда илғорларни моддий рағбатлантириш йўлга қўйилган. Баҳорги экиш мавсумида ташаббускорлик кўрсатганларга қўшимча бир ойлик маош мукофот пули берилади. Бу эса ишбилармонларга кенг йўл очмоқда. Алиёр Абдуҳолиқов, Туйчи Ҳайдаров, Эркин Алимов, Маҳкамбой Бердимуродов каби механизатор ва миришкорлар шулар жумласидандир.

Нима эксанг, шуни урасан, деганлар. Пахтакорлар жорий йилда «Наманган-77» ҳамда «65-24» навли уруғликни қадаб, беками-кўст ундириб олдилар.

— Бу навлар серҳосил, — дейди бош ҳосилот Аришвой Султонов. — Қолаверса, аввалги йиллар ҳам шу навларни экиб кам бўлмадик. Ерларимиз уғитлантирилган, агротехника талаблари асосида ишлов берилган.

Шу кунларда барча бригадаларда ишлар авжида. Ғўзалар озиқлантирилмоқда. Миришкорларнинг бу йилги ниятлари гектаридан 30 центнердан хирмон кўтариш. Жангир Ҳожибеков, Ҳусан Жўраев, Болта Урозалиев, Абдужаббор Исақулов сингари ўз касбининг усталари ҳар дақиқани ғанимат билиб, масъулиятли паллада тажрибаларини ишга солмоқдалар.

А. ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Ёзувчи — ғаллакор билан мулоқотда

Кенг дала қўйниламиз. Атрофга боқсак кўз қувнайди. Бепоён пайкалга яшил духоба тўшалгандай. Баҳорнинг майин шабадасидан шу кўз илғамас яшиллик тўлқинланиб, қум-қуқ ниҳоллар эгилиб-букилиб, атрофга салом бераётгандай жилоланади.

— Кузда пахтазор ғўзапоялари орасига сепилган бугдойзорларимиз бу, — деди ҳамроҳим Ҳайдарали Қурбонов. — Шу майдондан ўтган йили қирқ центнердан оқ олтин териб олганмиз.

— Ғўзапоялар-чи?

— Уларни қишда уриб олдик, ерда қолган илдизлари чириб, ғаллага озиқа бўляпти. Қўшимча озиқа ҳам солганимиз йўқ. Қаранг, бугдойимисан, бугдой!

Ҳайдаралининг касби иқтисодчи-ҳисобчи эрса-да, табиатан зираворлар шайдоси, айниқса бугдой фидойиси. Мободо, бугдой тўғрисида сўзласа оғзидан бол томиб, булбул бўлиб қолади.

— Бугдой инсонга Оллоҳнинг нодир инъоми! — дейди у. — У азиз, кўзимизга тўтиё.

Ун тўрт йилдан бери Мамарайим Раҳматов номли жамоа хўжалигига раислик қилиб келаётган бу инсон кўп йиллар ҳисобчи, иқтисодчи бўлиб ишлаган даврида миллий иқтиҳоримиз деб пахтани таниди. Чунки пахта даланинг яккаю ягона ҳокими, бирдан-бир даромад манбаи эди. Пахта берсанг — машина, ускуна тегади, бўлмаса йўқ. Пахтага ипсиз боғлаб қўйилганди деҳқонлару ҳисобчилар ҳам.

Инсонга озиқ-овқат, чорвага ем-хашак берган ғалла «қора экин» эди. Суғориладиган ерга бугдой сепиб кўринг-чи! Уша заҳоти қора руйхатга ёзардилар. Ҳайдарали Қурбонов хўжаликка «хўжайин» бўлгач, таваккал қилиб бугдой экишга йўл очди, дон экди. Бироқ уни билиб қолган катталар «пахта сувини қора экинга оқизяпсан», деб исканжага олдилар. Жамиятда об-ҳаво юмшагач, Ҳайдар раисга андак йўл очилди. Дастлаб суғориладиган ерларда алмашлаб экишнинг ғалла — беда, пахта — ғалла тизимини тажриба қилди. Натижа яхши чиқди. Бугдойзор беда янглиг ерга азот тўпларкан.

Тажрибанинг учинчи йилига келганда, не бахтки, Узбекистон истиқлолга эришди. Истиқлол Ҳайдаралига ҳам қанот ато этди. У суғориладиган ердан нима олиш фойдали бўлса шунга киришди.

Ҳайдар раис ҳар йили муттасил икки ҳосил оладиган усулга ўтди. Дастлаб Мамасиддиқ Қодиров бригадасида тажриба қилди. Бригадир бир қарашда ер тобини табиат томирини биладиган тажрибали деҳқон, «етти ўлчаб бир кесадиган раис»нинг таклифини жон деб қабул қилди. Дастлабки йилда ҳар гектар ердан 41 центнердан бугдой олинди.

Мамасиддиқ Қодировнинг бугдойзорига бордик. Бригадир мовий уммонда сузган елғиз елкандай бугдой ичида нимадир териб юрарди.

Ҳазил-мутоиба билан қулишиб, сурашиб бўлганимиздан кейин бугдойзорни айландик. Яшиллик тиззага уради. Барқ уриб, яйраб шохламоқда. Қарови пухта, парвариши яхши, ҳалемай гуллаб, сут олиб, думбул бўлишга жилоланмоқда.

— Утган йили бу ер икки марта ҳосил берган, — деди бригадир. — Баҳорда арпа экдик. Уни уриб, ўрнига ерни ҳайдамай, чизель солиб чигит ташладик. Пахтадан ҳам ялмикор ерлар берадиган ҳосилни олдик. Раиснинг омбори ҳам, деҳқоннинг қорни ҳам тўйди.

— Бугдойнинг афзаллиги кўп, — сўзида давом этди у. — Уни яхши, ерга оби-тобида сепиб олсангиз, марра сизники. Бир-икки дорилайсиз, уч марта сув билан пишади. Уроққа тушганча ғаллакорнинг қўли бўш. У бошқа юмушларни бажаради. Мана, шу олти гектарлик бугдойзорни йигирма икки ишли ўғлим Ҳамидженнинг бир ўзи бошқаради. Бир бор дори берди, бир бор сув қўйди. Бир кун ичини оралаб ёввойи ўтлар юлинди. Яна бир сув билан бошоқлайди. Қарабсизки, хирмон тўла дон, тандирларда нон.

— Арпа ҳам экасизларми?

Раис жавоб қилди:

— Деҳқончилик ҳам, пишиқчилик ҳам арпадан бошланади. Ҳар бригадада 7 гектардан арпа экдик. Сиддиқ аканинг арпаси саккиз гектар. Арпазор бригада дала шийпонининг чап қанотида. Тизза бўйи кўкини оралаб борардик. Шу он қибла томондан қанотини ёзиб лайлак учиб келди-да, бугдойзорни гир айланиб ўтди.

— Худо берди Сизга, Сиддиқжон! — деди раис бригадирни қутлаб. — Бошингизга бахт қушлари қунди. Бугдойзорингизда лайлак айланиши ажойиб яхшилик нишонаси. Хирмонингиз бу йил ўтган йилгидан ҳам баракали бўлади.

Сиддиқжон бригадаси ўтган йили 20 гектар бугдойзорнинг ҳар гектаридан салкам олтмиш центнердан бугдой янчиб олганди. Бу йил 24 гектарга серҳосил «Сангзор» ўруғини сепдилар. Мулжал олтмиш — олтмиш беш центнердан. Бу рақам ҳозирги ғаллакорнинг, айниқса, ўруғчи деҳқоннинг юксак чўққиси!

Арпазорга етгунча бугдой тўғрисида гап борди. Ҳайдаралининг айтишича, бу ерларда инқилобдан аввал ҳам, ундан кейин ҳам, колхоз тузилишига қадар қишлоқ деҳқонлари юз центнерли қайроқи бугдой етиштирар эканлар. Бугдоймисан — бугдой, ҳар бири ловиядай, магизи писта магизидай, уни оппоқ, нони ширмойдай бўларкан. Уша бугдой ўруғи йўқ бўлиб кетди. Сиддиқжонлар экаётган бугдой ўруғи Ғаллаорол, Жиззах ўруғчилик тажриба станцияларининг «Маржон», «Ёнбош», «Сангзор» навлари ичидан танлаб олинган. Етти йил ичида ўтказилган синов тажрибасида улар сараланиб, жилланиб, Мамарайим Раҳматов номли жамоа хўжалигининг узига хос, Қува ҳудудига мос нави пайдо бўлди. Уни ерига сепган деҳқон хўжаликлари гектаридан 50 центнердан кам ҳосил олганлари йўқ.

Ҳосилдорликда бу жамоа хўжалиги Қува туманидагина эмас, вилоятда пешқадам. Бу ер тажриба майдони бўлиб қолган. Арпанинг ҳам уч хил ўруғ нави синовдан ўтказилди. Танловда «Айқор» билан «Болғали» арпа ўруғи «бизнинг ерлар билан ўпишиб кўришди», дейди Ҳайдарали.

Мана, арпазор. У бугдой пайкалидан чоғроқ, арпа қуки ҳам сийракроқ, аммо эртаги ҳосили бўртиб турибди. Кенг далада бегона ўт кўринмайди. Арпа тезпишар дон, у роса «илик узилди» вақтида асқотадиган озиқа, деҳқонга мадор, чорвага қувват. Ҳайдарали тили билан айтганда, хўжалик омборининг баҳорги қури, кассасининг дастлабки даромади арпадан.

Мамасиддиқ бригадаси ўтган йили беш гектар суғориладиган ерга эккан арпасига ўттиз беш минг сарфлади-ю, ундан уч баравар кўп наф кўрди. Энг муҳими, арпа дарҳол деҳқонлар дастурхонини тўлдириб, қозонини қайнатди, сигирларининг сутини кўпайтириб, қўй билан суқимни семиртирди.

Арпани уриб олгач, далага чизель солдилар-да, саратон кирмай чигит экдилар. Тобига келиб қолган юмшоқ ерла чигит тез бодраб чиқди, тез ривожланди. Янги иш агротехникасини ҳам узлари яратдилар. Кечки ғўзанинг пастки шохларидаги қусакларни етилтириб олиш учун тепа шохларини барвақт чилпиб, қирқиб ташладилар. Мурод ҳосил бўлди: ғўза борлиқ қучини дастлабки қусакларга йўллади, кузги ҳосил куртаклари совуқ тушмай очилди.

Дастлабки синов яхши натижа берди. Кечки, такрор экилган пахталар ҳам баҳорда экиладиганларидан ортда қолмай, хирмонга тушди. Сифати ёмон бўлмади: баҳорги пахта қаторида пулланди.

Ерга такрор экинлар экишнинг мазасига тушуниб қолган деҳқонлар экиннинг турини қўпайтириб, майдонларини кенгайтира бордилар. Пахта ерига бугдой, бугдой ўрнига макка, мош,сабзи ва ҳатто шоли экиб 250 гектар ернинг ҳар қаричидан икки мартадан ҳосил олишга эришдилар.

Бу соҳада янги усуллар яратила бошлади. Масалан, бугдойзордан шоли олиш усули топилди. Бугдойзор четига, унинг полизига шоли экиб, қучат тайёрланди ва ғалласи олиниши ҳамон пол тортиб, суғориладиган майдонларга шоли қучати тикилди. Кузга бориб шоли хирмони кутарган деҳқон бугдой ғарамидан кам бўлмаган гуруч янчиб олди. Обжўвоз узларинки — жамоа хўжалиги кўп тармоқли катта рўзғор.

Ҳайдарали Қурбонов бу хусусда шундай мулоҳаза юритади:

— Катта рўзғорнинг иштаҳаси ҳам катта. Юқорининг айтганини қил, ризқи-рузингни давлат беради, деб бепарвою беҳафсала бўлиб қолган эканмиз. Бозор иқтисоди ғафлатдаги кўзларни мошдай очиб қўйди. «Изла—топ!» деяпти ҳаё, «меҳнатингга ақлидрокингни ҳам қўшиб сот!», «ношуд бўлсанг, молинг косот, ўзинг хонавайрон бўласан», деяпти бозор.

Мамарайим Раҳматов номли катта рўзғор бозор қурпасига қараб оёқ узатиб, жамоаси иштаҳасига яраша қадам ташлаяпти. Бутун водийда бўлганидай, бу жамоа хўжалигида ҳам ер оз. Майдонни қўпайтиришнинг иложи йўқ.Қурпа тор. Аммо ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор. Оз ердан кўп, соз ва хилма-хил маҳсулотлар олишнинг иложи ер самарадорлигини ошириш, ундан нималар олиш мумкин бўлса, шунинг калитини топиш керак. Бу ерда унинг калитини топдилар: йилига икки марта яппи ҳосил олишдир.

Ҳайдарали Қурбонов раис бўлган катта рўзғор ана шу калит билан ер қатламидаги кўп имкониятлар омборининг неъмат сандиқларини осмоқда. Бунинг исботи учун айрим рақамларни рўкач қилгим келди. Утган йили хўжалик пахтадан 32 миллион сўм даромад олди. Бунинг устамаси ҳам салмоқли: 372 тонна тола учун устама 42 миллион сўм нақд пул чўнтакка, 40 тонна чигит мойи қозонларга тушди. Боз устига 172 тонна кунжара, 100 тонна шелуха молхонаю қўйхона оғилларга тукилди.

Такрорий экинлар ҳам катта рўзғор ола қопини тўлдирди. 1541 тонна бошоқли дон, 3060 тонна макка силоси, 480 тонна сабзавот, 7 тонна мош олинди. Булар пулга чақилганда биргина бугдойнинг ўзидан уч миллион 700 минг сўм соф фойда, ўруғлик сифати учун эса яна салкам икки миллион сўм нақд олинди. Ҳавас қилса арзийди!

Мамарайим Раҳматов жамоа хўжалиги Қува туман ҳокими Муҳаммаджон Носировнинг доимий назоратида. Чунки бу жамоа туманга ўруғлик пахта ва ўруғлик ғалла беради. 1995 йилдан бошлаб хўжалик вилоятга ўруғлик дон етказиб берадиган тажриба майдонига айланди.

Бу йилги режа ва мақсадлар қулами кенг, қулочи катта. 1996 йилда 1418 гектар ерга экин экилди. Шундай 550 гектар ердаги бошоқли дон барқ уриб, ҳосил тўпламоқда. Ерларга такрор экиладиган экин бултургига нисбатан икки баравар кўп! 85 гектарда ем-хашак етишади, Гўшт, сут, тухум кўпаяди. Энг муҳими, бу билан Узбекистоннинг ғалла мустақиллигини таъминлаш учун бир улуш қўшилади. Қолаверса, рўзғор тебратиш осонлашади.

Рўзғор бошқаси Ҳайдарали Қурбонов иқтисодчию ҳисобчи эмасми, бу йил буладиган харажат билан олинадиган даромаднинг муллажирингини чўтлаб қўйган. Нақд фойда—қўпаяди. Деҳқоннинг ўзи ҳам, кўзи ҳам тўяди... Одамларимиз қўлида жарақ-жарақ пул ўйнайди!» дейди тадбирли раис.

Ҳайдарали Қурбонов бир қўлида товуққа дон бериб, иккинчи қўлида тухумини олмаса, туролмайдиган раис.

Ер масаласида эса, у арра усулини қўллайди: санга — манга, манга — санга, якунида эса санга бир — манга икки!..».

Ерни хазина деб билганларнинг номаи амали ана шундай. Улар Узбекистон Республикаси мустақиллигининг шонли беш йиллигига муносиб тўёна тайёрлашмоқда. Уларга омад ёр бўлсин!

Иброҳим РАҲИМ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЕР — ХАЗИНА

Йилига икки мартадан ҳосил олиб, бадавлат бўлаётган жамоа хўжалиги тажрибасидан

БОЙЛИККА БОЙЛИК ҚЎШИЛСА — КЕТМАС ДАВЛАТ...

Ўзбек атласининг довруғи довон ошган, жилоси эса баҳор билан баҳсга киришади. Ахир, халқимиз «Пилламиз-тилламиз» деб ифтихор билан бежиз айтмайди. Яқинда мухбирларимиз республика «Пилла» уюшмасида пиллакорларнинг бугунги юмушлари, ўтган йилги сарҳисоб ва сабоқлар, долзарб вазифа ва муаммолар хусусида суҳбат ўтказишди.

Собиржон НАВРЎЗОВ, Республика «Пилла» уюшмасининг раиси:

— Утган — 1995 йилда уюшмада пиллачиликда қандай ютуқларга эришилди? Уз навбатида, пиллачилик соҳасида муаммолар уз ечимини қандай топяпти? Шундай долзарб саволларни ўртага қўйиб, бизни мулоқотга чорладингиз. Бунинг учун, аввало, севимли газетамиз — «Қишлоқ ҳаёти» таҳририятига миннатдорлик билдирамиз.

Утган йили соҳада, ҳар қалай, натижалар қувончли бўлди. Гап шундаки, 1995 йилда хўжаликлар билан тузилган шартнома бажарилди. 1994 йилга нисбатан ҳосил 601,5 тонна кўп бўлди. Ҳар қути ҳисобига ҳосилдорлик ўртача 48,3 килограмм ва тўғри келди. Шуни айтиш керакки, бўлутги мавсумда Жиззах, Сурхондарё, Тошкент ва Бухоро вилоятлари пиллакорлари юқори натижаларга эришдилар. Шартномага нисбатан Сурхондарё вилоятида 123 тонна, Тошкентда — 104, Бухорода — 93 ва Қашқадарёда 58 тонна кўп пилла тайёрланди.

Табиийки, бўлутги мавсумда муаммоларга ҳам дуч келдик. Шулардан бири — давлат томонидан бизга бериладиган банк кредитлари устама фоизининг юқорилиги эди. Албатта, имконият изладик, кидирдик ва баҳоли қудрат йўлини топдик. Қурт боқувчи ойлаларга аванс ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари, яъни ун, гуруч ва ўсимлик ёғи берилди. Бозор иқтисодиёти шароитида пиллачилик соҳасида ҳам узига хос муаммолар етарли. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Халқимиз меҳнаткаш, сабр-қаноатли, иймони бутун, эътиқоди баланд. Ўтиш шароитининг қийинчиликларини орқада қолдиришдек саботли йўлда меҳнат қилишяпти.

— Ҳақ гапни айтдингиз, Собиржон Наврўзович. Мана, истиқлолимизнинг бешинчи баҳорига ҳам қадам қўйдик. Далаларимизда ҳаёт қайнамоқда. Пахта пайкалларига барака ўруғи тушиб, мурғак ниҳоллар бўй кўрсата бошлади. Пахтакору чорвадорнинг ҳам, боғбону сохибкор, сабзавоткорларнинг ҳам нияти эзгу, сарбаланд. Насиб этса, рўзғору дастурхонларимизга янада кутбарака қўшилади. Хўш, «кумуш тола» ижодкорлари — пиллакорларимизнинг бу йилги ниятлари қандай?

— Пиллакорларимиз ҳам аниқ режалар билан меҳнатга маҳкам бел боғлашган. Таъбир жоиз бўлса, уларнинг эзгу тилаклари бўлишига ишора.

Ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган яна бир масала бор. Бу — пиллада мўл ва сара ҳосил етиштиришнинг муҳим омили — тутзорларни кенгайтириш, уларни парваришлаш, шу йўл билан озуқа негизини мустаҳкамлаш масаласидир.

Ҳақиқий аҳволни афсус билан қайд этмасдан иложимиз йўқ. Негаки, ўошма тасарруфидаги вилоятларда бу йил баҳорда топшириққа кўра 13,5 миллион туп тут кучати ўтқазилиши керак эди. Ихтисослаштирилган пиллачилик хўжаликларида тут кўчатлари етарли миқдорда етиштирилганига қарамасдан баъзи вилоятларда бу муҳим агротехник тадбирга етарли эътибор берилмаяпти. Масалан, тут кучати ўтқазиш бўйича топшириқни Сурхондарё вилояти 10,7 фоизга, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари 21,1 ва 5 фоизга, Сирдарё вилояти 5,6 фоизга бажарган, холос. Айтиш керакки, баҳорнинг кеч ва салқин келишини эътиборга олган ҳолда мавжуд баланд танали тут дарахтларини ва тутзорларни уз вақтида агротехник ишловдан чиқариш, бойлигимиз сифатида авайлаш-асраш, уларнинг кесиб ташланишига асло йўл қўймаслик барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзлир. Тут — беназир ва ҳосиятли дарахт эканлигини ҳеч ким унутмаслиги керак.

Лекин баъзи вилоятлар хўжаликларида тутзорлар парваришига эътибор суст. Бунга Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Раисимиз юқорида бизнинг соҳамизга давлатимиз томонидан имтиёзли кредит берилганлигини алоҳида таъкидлади. Бу, ҳозирланоқ, ўзининг илк самараларини кўрсатяпти. Пиллакорлар ўртасида кўтаринки кайфият юзага кела бошлади. Демак, рағбат ва кайфият бор жойда ишлар ўнгланиш сари юз тутади...

МУХБИРЛАР ШАРҲИ:

Пиллачилик ҳам аста-секин ривожланиш босқичига ўтяпти. Бу фикрни ўошма раиси, тадбиркор раҳбар Собиржон Наврўзов ҳам алоҳида ишонч билан таъкидлади. Нафсиламбрини айтганда, пиллачилик — мустақил республикамизнинг иқтисодиётини бойитиш ва мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоғи шарт ва зарур. Хўш, бунинг учун нималар қилиш керак? Биринчидан, кейинги йилларда хорижий давлатларда пилла ва пилла маҳсулотларига, аниқроғи ипакка талаб катта эканлигини инобатга олган ҳолда маҳсулот ҳажми ва сифатини ошириш талаб этилади. Юртимизда етиштирилаётган пилла хом-ашёсининг сифати ҳозирча жаҳон бозори талаблари даражасида эмас. Бу борада селекционер олимларнинг изланишлари самарали бўлиши зарур. Тўғри, олимларимиз томонидан ипак қуртининг янги зот ва дурагайлари яратилиб, улар ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда. Чунончи, «Андижон — 3,4», «Фарғона — 3,5,6», «Нишонланган — 1,2», «Ўзбекистон — 5,6» ва «Ипакчи — 1,2» каби янги ипак қуртларининг дурагайлари яхши баҳо оляпти. Улар ўзининг сифат ва технологик кўрсаткичлари билан жаҳон бозори талабларига мосдир. Бу йилги мавсумда жами боқиладиган ипак қуртининг 35-40 фоизини юқорида қайд этилган янги зот ва дурагайлар ташкил этади. Аслида, фақат шу билан пилла ҳосили ва сифатини ошириб бўлмайди. Ипак қуртини боқишда агротехника қоидаларига тўла риоя қилиш муҳимдир.

Яна бир муҳим шарти шуки, пиллакорга доимий эътибор зарур. Қаерлаки, меҳнат кишиси эъзоз ва ҳурматда бўлса, ўша ерда натижалар юқори даражада бўлмоқда. Айрим жойларда эса пиллакорлар меҳнатига панжа орасидан қараш ҳоллари юз бермоқда. Баъзи туманларда етиштирилган хом-ашёдан тушган маблағлар йиллаб ўз эгасига тегмаяпти. Туман ва хўжаликлардаги айрим мутасадди раҳбарлар пилла ёҳуд бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тушган маблағни ўзга мақсадларга ишлатиб юборишяпти. Ўошма раиси Собиржон Наврўзов шулар хусусида куюниб фикр билдирганида ҳақ.

Пилла — мамлакатимиз бойлиги. Эндликда ана шу бойликни эзу юртимиз тўкинлиги йўлида кўпайтириш пайти келди. Ахир, бойликка бойлик қўшилса — кетмас давлат...

Суҳбатдошлар:
Абдулла ТУРДИЕВ,
Эркин ТЎЛАГАНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбирлари.

ИККИ РАҲБАР, ИККИ МАНЗАРА...

Кукламнинг чўзилиши, баҳорда ёғин-сочинли кунларнинг кўп бўлаётгани, изғиринлар, жала ва сув тошқини деҳқон ташвишини оширди. Шунга қарамай кўпгина хўжаликларда экин парвариши уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик қизғин. Бу соҳада «Ангрен» ширкат жамоаси ва «Оҳангарон» ҳиссадорлик жамиятида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

«Ангрен» ғаллакорлари экинзорларни ҳозиргача уч марта суғоришди. Усимлик ривожи мўл ҳосилдан дарак бериб турибди. Айниқса, хўжаликнинг Қайирма, Қорабоғ мавзеларидаги ғаллазорлар киши кўзини қувнатади.

«Оҳангарон»да ҳам бу борадаги ишлар дуруст. Уч-тўрт мартадан сув таралди. Хўжаликда ўримйиғимга пухта тайёргарлик кўрилган. Мавжуд саккизта комбайн, сомонларни шиббаловчи мосламалар сифатли таъмирланди.

Шунингдек, Собир Раҳимов номли ҳиссадорлик жамиятида ҳам омборларни донга тўлдиришга пухта замин яратилмоқда. Парвариш ишлари агротехник талаблар асосида ташкил этилган.

— Ғаллазорларнинг ҳар гектарига 200 килограммдан минерал ўғитлар сепилди, — дейди хўжалик раҳбари С. Балашов. — Мавжуд техникани таъмирлаш май ойигача тугалланади. Ҳар гектар суғориладиган ердан 35-40 центнердан, лалмидан эса 12-14 центнердан ҳосил кутаришни мўлжаллаяпмиз.

Ҳа, Оҳангарон туманидаги аксарият хўжаликларда тадбирлар кўнгилдагидек амалга оширилаяпти. Афсуски, одамни ранжитадиган жойлар ҳам йўқ эмас. Масалан, «Шодималик» жамоа ширкатида кузда 570 гектар майдонга яхши ниятлар билан ғалла экилган эди. Унинг 142 гектарини суғориладиган майдонлар ташкил этади. Ғаллазорлар озиқлантирилган, аммо суғориш ишларига етарли аҳамият берилмаяпти. 90 гектар ғаллазор атиги бир марта суғорилган. Бу ҳолда ҳар гектар майдондан 32 центнердан ҳосил олиб буладими? Унинг устига таъмирлаш ишлари ҳам ўлда-жўлда.

«Ғаллақудуқ» хўжалигида эса 651 гектар ғаллазор бор. Унинг 601 гектарини суғориладиган майдонлар ташкил этади. Ҳозиргача атиги 60 гектар экин сув ичган, холос. Янада ачинарлиси, мавжуд тўртта комбайндан биттаси чала-чулпа таъмирланган. Лоқайдлик шу даражага етганки, вақтида техникага эҳтиёт қисмлар келтирилмаган. Узибуларчилик шу тарзда давом этаверса, қандай қилиб 1861 тонналик ғалла хирмони кўтарилади? Бугун бемалол юриб, эртага аттанг дейишдан фойда йўқ.

Худди шундай нуқсонлар «Бирлик» жамоа хўжалигида ҳам бор. Хўжаликнинг айрим ерларида ғалла сийрак унган. Устига-устак суғориладиган 222 гектар ғаллазорнинг ҳали бирон гектарига сув берилмаган. Ҳар гектар ҳисобига белгиланган 200 килограмм ўрнига 100 килограммдан минерал ўғитлар солинган. Экинзорларда жўяк ва ўқ ариқлар олинмаган. Экишдан олдин далалар молаланмагани оқибатида усимлик ривожи суст. Экинларни бороналаш ҳали бошланмаган. Техникани созлашга ҳанузгача қўл урилмаган. Эҳтиёт қисмлар етишмайди. Шундай камчиликлар булатуриб хўжаликнинг бош ҳосилоти С. Қурбонов ва бош муҳандиси А. Уринбоевнинг беғам юриши кишини ажаблантиради. Ҳолбуки, вақт ўтаётир. Бир жойда бекор ўтираверган билан ишлар битиб, камчиликлар ўрни тўлмайди.

Бу ғаплар «Чотқол» ва «Олмалиқ» хўжаликлари раҳбарларига ҳам тегишли. Ахир бир вақтлар деҳқончиликда республикага донги кетган Оҳангарон туманидаги баъзи жамоаларда ғалла парваришининг аҳволи шу бўлса, ғалвир сувдан кўтарилганда мутасаддилар бармоқ тишлаб қолишлари аниқ. Бирники мингга деганлар. Буни лоқайд раҳбарлар унутишган кўринади.

Мўмин ҚАЮМ.

Шаҳрисабз туманидаги «Наврўз» жамоа-ширкат хўжалиги миришкорлари баҳорги юмушларни қизғин давом эттиришаяпти. Боғбону деҳқонлар айни кунларда ток ва мевали дарахтларни, сабзавот экинларини парваришлаш ишларини авж олдиришган. Уларнинг эзгу нияти амалдаги йилда янада мўл ҳосил етиштириб, юрт фаровонлигига ҳисса қўшиш.

СУРАТЛАРДА: 1. Хўжалик бошқаруви раиси Абдували Сафаров (ўртада) ширкат бошлиғи Мустафо Муртазоев ва боғбон Ҳикматилла Мирзаевлар билан суҳбатлашаётган пайт. 2. Моҳир тракторчи Абдусалом Элиев.

Ш. СУЛТОНОВ олган суратлар.

КАРТОШКА ЕТАРЛИ БЎЛАДИМИ?

Бу йил Наманганда эртаги картошка одатдагидан кечроқ йиғиштириб олинади. Ҳар йили март ойининг бошларида эртаги картошка экиб булинар эди, бу йил баҳор кечиккани сабабли апрелнинг ўрталарида ҳам ўруғлик қадаш давом этди. Бунинг устига, маҳаллий ҳокимият картошка майдонларини ўтган йилдагига нисбатан 300 гектарга камайтиришга қарор қилди. Жами 2140 гектар ерда картошка етиштириладиган бўлди.

Вилоят агросаноат уюшмаси ходимларининг ишонтиришига қараганда, бу йил ҳосилдорлик оширилади ва картошка ўтган йилдагидан кам бўлмайди. Лекин маълум бўлишича, ўруғлик сифатида фойдаланилган картошка ишончи оқламас экан — катта-катта майдонларга учинчи ва тўртинчи репродукциядаги голланд картошкаси экилган. Ҳолбуки, хўжаликлар сифатли ўруғлик олиши учун ҳамма имконият мавжуд эди. Йил бошидаёқ тегишли агрофирмалар, хусусан, «Узмевасабзавотузумсаноат» уюшмасининг Тошкентдаги «Сабзавоткор» ташқи савдо корхонаси билан 2340 тонна ўруғлик картошка етказиб беришга шартнома тузишган. Лекин ўруғлик картошка ҳақини олдиндан тулаш тўғрисидаги шартнома талаби бажарилмагани сабабли ўруғлик вилоятга ҳанузгача етиб келгани йўқ.

Шунга қарамай, Наманган агросаноат уюшмасидагилар картошка етарли бўлишига умид қилишмоқда. Маҳаллий мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда, ғалладан бушаган 2000 гектарга яқин ер картошка ҳосили ўтган йилдагидан ҳам кўпроқ бўлишини таъминлаши мумкин.

Вилоят агросаноат уюшмаси масъул ходимларининг умидлари рўёбга чиқишига тилакдошмиз, албатта. Лекин баҳор кутиб турмайди. Шу ташкилот ходимларининг картошка экиш каби муҳим ишга муносабати уларнинг ваъдаларига беихтиёр ишончсизлик туғдиради. Вилоят агросаноат уюшмаси раиси Маҳмуджон Мирзабоев ўруғлик картошка етказиб бериш ҳам, картошка етиштириш ҳам вилоятдаги картошка етиштирадиган асосий ташкилот — «Узмевасабзавотузумсаноат» уюшмасига қарашли «Янгиқўрғон» агрофирмаси ихтиёрида, деган баҳона билан бу борада вилоятда юз берган аҳволни шарҳлаб бериш тўғрисидаги илтимосимизни рад этди.

«Янгиқўрғон» фирмаси ходимлари эса, бу фирма таркибидаги хўжаликларда 1355 гектар ер картошка етиштиришга ажратилганини тасдиқлашди. Бу вилоятдаги картошка майдонларининг учдан икки қисмини ташкил этади. Ҳақиқатан ҳам фирма 1200 тонна ўруғлик картошка харид қилишга шартнома тузган. Аммо бу вилоятда картошкага ажратилган майдонларнинг ярмигагина етади, холос.

Вилоятда картошка экиш деярли тугалланди. Энди кечки картошка экилади. Агросаноат уюшмаси раҳбарлари вилоят аҳолисини картошкадек муҳим озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашга муносабатларини ўзгартириб, бу иш билан жиддийроқ шуғулланади, деб умид қиламиз.

Назира ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

ИШБИЛАРМОН ЧОРВАДОРГА — ҚЎШИМЧА ИШ ҲАҚИ

Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳақида гап кетганда туманда биринчи булиб «Жейнов» жамоа хўжалиги тилга олинади. Сабаби, бу ерда чорвачиликка эътибор булакча. Хўжалик бошқарувининг раиси, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Муродулла Саидов жамоага раҳбар булиб келгач, аввало фермага чорвани биладиган кишини қўйишга ҳаракат қилди. Тармоқда кўп йиллар ишлаган Шоймардонқул Авазов мудир этиб тайинланди.

Утган йили давлатга 300 ўрнига 413 тонна сут, мулжалдагидан 4 тонна ортиқ-68 тонна гўшт, 80 минг ўрнига 108 мингта тухум сотилди. Ҳар бир соғин сигирнинг маҳсулдорлиги белгиланган даражадан кўтарилди. Гўштга топширилган суқим вазни ўртача 429 килоданга тўғри келди.

Жорий йилнинг утган даврида бултургидан кўпроқ натижаларга эришилаётир. Утган давда бир кунда ферма буйича 800 кило сут соғиб олинган булса, ҳозир у 1,4-1,6 тоннага етди. Шу кунгача 150 бош сигирдан соғиб олинган сут 27 тоннага кўпайди. Эрта-индин бу борадаги ярим йиллик режа адо этилади. Гўшт сотиш буйича йиллик топшириқ уддаланиш арафасида. Йил давомида 50 тонна гўшт етказиб беришни ният қилган хўжалик бурдоқибоқарлари ҳозиргача қабул пунктларига 46 тонна маҳсулот жўнатишди.

— Тармоқ эътиборда, — дейди чорвадорлар етакчиси Ш. Авазов. — Хўжалигимиз раҳбари озуқа базасини мустаҳкамлашга жиддий аҳамият бераяпти. Шу туфайли Усмон Юсупов туманида жамоамиз илғорлар сафига ўтиб олди. Бу эса зиммамизга катта масъулият юклайди. Топшириқни эиёдаси билан ўринлатган чорвадорга қўшимча иш ҳақи тўланади. Ижтимоий муҳофаза масаласи мунтазам эътиборда. Сигирсоғар ва чўпонлар ун, дон, усимлик мойи, гуруч каби озиқ-овқат маҳсулотлари билан вақти-вақтида бепул таъминланишмоқда. Тушлик хўжалик ҳисобидан.

Фермада булганимизда қишлов даври тугаган булса-да, заҳирада 900 тонна сенаж, 58 тонна беда пичани, 372 тонна сомон, 912 тонна лавлаги ва 64 тонна кунжара борлигини кўрдик.

Лайло Шомуродова, Бахмал Бозорова, Умида Ғаниева, Нилуфар Омонова, Жамила Қурбонова сингари сигирсоғарлар? Муҳаммади Халилов, Ҳасан Наврузов, Даврон Авазов, Саид Рузиев ва Саид Авазов каби меҳнатсевар молбоқар ва бурдоқибоқарлар жамоа ютуғига салмоқли улуш қўшмоқдалар.

Ҳамид ПИРИМКУЛОВ.

ЯЙЛОВ БАҲОДИРЛАРИ

Азалий Қизилқум саҳроси, сарҳадсиз қир-адирлари қўй-қузига тулган. Улар ям-яшил утлоқлар, ёвшанзорлар оралаб чексиз яйловларга файз бағишлашади. Офтобда тилладай жилоланиб, турфа ранг тараттан қўй-қузилар отар-отар булиб атрофга ёйилган. Юрт бойлигига бойлик қўшаётган чўл баҳодирлари — азамат чўпон-чўлиқларнинг меҳнатига таҳсинлар айтасиз.

Конимех туманидаги «Қарақ ота», Абай номли, Ҳамид Олимжон номли, «Маданият» жамоа хўжаликлари чорвадорлари қишловдан соғлом олиб чиқилган қўй-қузиларни, йилқи ва туяларни меҳр билан парваришлаб эл дастурхонига кўплаб ноз-неъмат етказиб беришаяпти.

Абай номли наслчиликка ихтисослаштирилган қоракўлчилик жамоа хўжалиги раҳбари Худойберган Жонхўжаев айни пайтда олиб борилаётган ишлар хусусида ҳикоя қилади:

— Республикамизда азалдан машҳур олдин «Шофиркон» номида аталган хўжалигимиздан элга таниқли чорвадорлар кўп чиққан. Меҳнат Қаҳрамони Нортой Бердиев каби донгдор чўпонларимизни эл-юрт яхши билади. Бугунги кунда унинг шогирдлари устозлари ишини муносиб давом эттиришмоқда. Жаҳон бозорида юқори баҳоланган Бухоро сур териларини етиштириш йулида астойдил меҳнат қилишаётир.

Хўжалик қўйчивонлари бу йил вилоятда биринчилар қаторида тул мавсумини муваффақиятли якунлашди. 42300 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 97 тадан соғлом қузи олинди. Унинг 17 минг боши ўстиришга қолдирилди.

Чорва бош сонининг кўплиги жиҳатидан туманда биринчи ҳисобланган мазкур хўжаликда бошқа соҳаларда ҳам қувончли ютуқларга эришилаяпти. Чўл фидойилари амалдаги йилда давлатга 140 тонна жун, 377 тонна гўшт етказиб беришга аҳд қилишган. Шунингдек, 200 бошдан ортиқ йилқи, 130 бош туя ҳам меҳр билан парваришланаётир. Чорва туёқ сонини кўпайтиришда Жумабой Бердиев, Берикбой Дарменов, Бахтиёр Тоғаев, Аҳмад Боймуродов, Боймурод Хўжанов сингари фидойиларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Туркистон элининг машҳур оқини Абай номи билан аталадиган жамоада амалга оширилаётган ибратли ишларни кўриб хушкайфият билан қайтдик.

Воси НОСИРОВ.

ДЕҲҚОН МУШКУЛОТИНИ ОСОН АЙЛАБ

Андижон вилояти аҳолисининг миқдор жиҳатдан кўплиги ва зич жойлашуви бўйича на фақат мамлакатимизда, бошқа давлатларга солиштирилганда ҳам анча юқори ўрин тутади. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли товарлари билан биргаликда нефть маҳсулотлари билан меъёрида таъминлаш энг муҳим вазифалар сирасига киради. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигини техникасиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, техникани ёқилғи-мойлаш материалларисиз ҳаракатга келтириб бўлмаслиги барчага аён. Вилоят қишлоқ хўжалигидаги эришаётган ютуқларга «Андижоннефтмаҳсулот» вилоят корхонаси ва унинг тармоқлари ходимларининг ҳам муносиб улушлари бор.

Вилоят нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонаси раҳбари Дилшод ХЎЖАЕВ тармоқда эришилаётган ютуқлар, долзарб муаммолар хусусида ҳикоя қилади.

— Ҳа, утган 1995 йил биз учун баракали бўлди: 252 минг тонна нефть маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилди. Бу тадбиркор ва ишбилармон ходимларимизнинг машаққатли меҳнати эвазига амалга оширилди. Ҳаридорларга автобензин сотишни такомиллаштириш юзасидан ишчил тадбирлар кўриляпти. Юртимиз ривожи, дастурхонимиз тўкин-сочинлиги қишлоқ хўжалигининг миришкор, қўли қадоқ, қалби пок, ориятли меҳнат аҳлига боғлиқ. Шу боис биринчи галда қишлоқ хўжалиги тармоқларига нефть маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш — энг муҳим вазифамиздир. Деҳқон чигит экса унинг ёнидамиз, ғалла ўрса унга елкадошмиз, пахта терса бизнинг ходимлар ҳам камарбаста. Вилоятимизда янги анъаналар ривож топяпти: ишга яроқли жон борки, қишлоқ хўжалигининг қизғин мавсумларида деҳқонлар билан ёнма-ён туриб катта хирмонга уз улушини қўшишга одатланган.

Вилоят агросаноат уюшмаси мутахассислари билан биргаликда жорий йилнинг баҳорги дала ишларига зарур нефть маҳсулотлари олдиндан, пухта ҳисоб-китоб қилиниб, жойларга етказиб берилди. Бу мавсумни муваффақиятли утказишга имкон беряпти. Деярли ҳамма пахта майдонларида чигит экиб булинди. Минглаб гектар майдонларга чигит пленка остига экилди. Андижонда бу йил утган йилгидагидан самаралироқ ва унумлироқ ишлаймиз, деган шиор барчанинг мақсадига айланган.

Не бахтки, республикамиз ҳукумати, шахсан Президентимиз қишлоқ хўжалигига давлат йули билан ёрдам бериш борасида муҳим тадбирларни амалга ошираётганлиги барчамизни хушнуд этмоқда. Яқинда чиққан тарихий фармонга мувофиқ қишлоқ хўжалиги жамоалари ва корхоналари ёнилғи-мойлаш материаллари учун қўшимча қиймат солиғи тулашдан озод этилди. Бу деҳқон манфаати йулидаги муҳим қадамлар сирасига киради. Эндиликда айрим қишлоқ хўжалиги тармоқларининг раҳбарлари белгиланган режаларни уддалай билмаса, берилган имкониятлардан оқилона фойдалана олмаса фақатгина узлари айбдордирлар. Бундай имкониятдан сунг баҳона қидирувчиларнинг юзи шувут булиши тайин.

Нефть маҳсулотлари таъминоти корхонаси аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва халқ эҳтиёжи моллари ишлаб чиқариш буйича ҳам ютуқларни қўлга киритмоқда. Корхона тасарруфидаги барча автомобилларга ёқилғи қуйиш шоҳобчалари қошида пуллик хизмат кўрсатиш тармоқлари очилмоқда. Енгил автомобилларни таъмирлаш, уларнинг мойларини алмаштириш ва камераларни ямаш ишлари йулга қуйилган. Утган йили аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш режаси 1 миллион 50 минг сумлик қилиб белгиланган эди. Бу кўрсаткич 2 миллион 648 минг сумга бажарилди. Гуручмозор, Асака ва Шаҳрихон нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхоналарида қўшимча ишчи ўринлари ташкил қилинганлигидан корхона ҳам, у ерда хизмат қилаётганлар ҳам иқтисодий манфаат топмоқдалар. Корхоналарда тикувчилик цехлари мавжуд. 12 хил турдаги 2 миллион 346 минг сумлик халқ истеъмоли товарлари тикиб сотувга чиқарилди. Чиройли аёллар халати, рўмоллар, болалар қўйлақлари, кўрпа ва ёстиқ жилдлари ва бошқа саноат молларини кўпчилик харид қилмоқда. Пахта йиғим-теримига зарур этаклар ҳам тикиб тайёрламоқдамиз.

Корхоналарнинг қошида махсус савдо дуконлари фаолият кўрсатмоқда. Бу йил корхоналаримиз ходимлари ички имкониятларимизни чамалаб, 3,5 миллион сумлик миқдорида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, 2,5 миллион сумлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режаси асосида иш олиб бормоқда.

Ободончилик, қурилишларни кенгайтириш, янги техника сотиб олиш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш, хизмат маданиятини изчил кутаришни виждоний бурчимиз деб биламиз.

Тўғри, бизнинг тармоқда ҳам қўли қийғир, нафсининг қўйига тушиб эл-юрт ризқига хиёнат қиладиган ҳаромтомоқлар учраб туради. Уларга қарши қонунда белгиланган қатъий чораларни кўрмоқдамиз. Айниқса, республикамиз ҳудудидан чет давлатларга, хусусан, Қирғизистонга ёнилғи-мойлаш материалларини ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетувчилар қаттиқ жазоланмоқдалар.

Шукрлар булсинки, халқимизнинг йули ёрқин, Узбекистонимизнинг келажаги буюк. Бунинг учун ҳар биримиз фахру ифтихор билан ҳалол ва баракали меҳнат қилишимиз, юрт бойлигига кўпроқ ҳисса қўшмоғимиз фарз. Шунда дўстларни шод айлаб, ғанимларни куйдирамиз. Россия думасининг собиқ Иттифоқни тиклашга қаратилган асоссиз қарорини жамоамиз ғазаб билан қоралади. Республикамиз Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги дипломатия корпуси ва журналистлар билан учрашувда ҳақконий таъкидлаганидек, соғлом ақлга эга булган бирон бир киши яна марказдан туриб ресурсларимизга эгалик қилиниши, халқимиз тақдирини ҳал килувчи қарорлар қабул қилиниши билан келиша оладими? Бутун эрксевар мамлакатимиз меҳнаткашлари қаторида биз-нинг жамоамиз ҳам бу саволга йуқ, асло келиша олмаймиз деб жавоб бераётганликларини гурур билан такрорлайман. Мустақил Узбекистонни жаҳондаги кўплаб ривожланган мамлакатлар қўллаб-қувватламоқда, юртимиз билан ҳар томонлама ҳамкорликка интилмоқдалар. Шу боис мустақил Узбекистонинг фарзанди эканлигимиздан фахрланиб яшаяпмиз.

Ҳур диёримизда тинчлик, осойишталик, юртимиз тўю тантаналар оғушида. Улуғ Навруз шодиёналари муқаддас Курбон ҳайтига туташяпти. Байрамлар дастурхонлар билан файзли. Шу боис юртда тўкинлик яратаётган бободеҳқондан ҳар биримиз қарздормиз. Доимо унга камарбаста булайлик, мадад берайлик.

«Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ ёзиб олди.

Челак шаҳридаги қишлоқ хўжалик техникалари таъминоти ва таъмирлаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари айни кунларда ишларни авж олдиришган. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли техника воситалари сифатли созланиб, унумли ишлаши таъминланаётир.

СУРАТДА: уста темирчи Ортиқбой Турдиев.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат.

ВИЛОЯТ ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

«ҚАШҚАДАРЁ ҲАҚИҚАТИ»

Қарши туманидаги Чўли ота номли жамоа-ширкат хўжалигида мактаб яратган заршунослар кўп. Товар Урунов уларнинг бири. Тадбиркор саркор бошлиқ жамоа ерни минерал ва маҳаллий ўғитта тўйинтириб уч иш кунида чигит экишни туталлаганди. Хўжалик шароитига мос тушган «Бухоро-6» чигити бир текис униб чиқди. Айни кунларда уста деҳқонлар қатор ораларига ишлов беришни бошлаб юборишдилар. Ниятлари мустақиллигимизнинг беш йиллиги шарафига ҳар гектар ердан камида 35 центнердан пахта ҳосили олишдир.

* * *

Ҳаким ота Усмонов номи Нишон туманидаги «Пахтаобод» жамоа-ширкат хўжалигида алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Боиси у йуқолиб бораётган полиз экинлари уруғини тўплаб, кўпайтириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Ота яна бир хайрли ишга қўл урди. Чорва учун тўйимли озуқа — перко етиштиришга аҳд қилди. 30 гектар майдонга ана шу экин беда билан аралаштириб экилди. Бултур ноябрда бошланган ҳаракат яхши самара берди. Ҳаким ота шогирдлари вилоятда биринчи булиб перко ўримига киришдилар. Ҳар гектар ердан 150 центнердан чорва емиши олинди.

«СИРДАРЁ ҲАҚИҚАТИ»

Ховос туманидаги «Фарҳод» ширкатлар уюшмасида ўтган йилга нисбатан кўп майдонга ғалла экилди. Экинни суғориш, озиқлантириш яхши олиб борилаётганлиги сабабли майсалар барқ уриб ривожланаяпти. Сунгги кунлардаги ёғингарчилик ҳам ғаллага бамисоли малҳам бўлди. Мутахассислар бу йил Тиллабек Қўлтоев бошлиқ бригада юқори натижага эришади дейишяпти. 30 гектар ердаги майсалар ривожини кўриб дил қувнайди. Тожи Раҳмонқулов, Қувондиқ Абдураҳмонов, Уткам Қиличев каби фидойилар агротехник тадбирларни сифатли амалга оширишда намуна булишмоқда.

«ЗАРАФШОН» (Самарқанд)

Тўрпи яйловлари ажиб манзара кашф этган. Қум-кўк майсалар, гулу лолалар қалбларга сурур бағишлайди. Ёнатрофни жажжи қузичоқларнинг ёқимли маъраши тутган. Нуробод туманидаги «Жом» ижара хўжалиги суруви яйраб утламоқда. Бош чўпон Абдурайим Алимов тепаликдан туриб қўй-қузиларга синчков назар ташлайди. Бу йилги тул олиш мавсуми ҳам кўнгилдагидек ўтди. Очиғи, баъзилар бунга иккиланган эдилар. Боиси, қиш оғир келди, чорва емишдан қийналди. Ёғингарчиликнинг кам булиши натижасида ҳалеганда ўт-ўлан гуркираб ўсмади. Омилкор чўпонлар мавжуд имкониятлардан унумли фойдаландилар. Ҳал қилувчи дамларда Абдурайим аканинг тажрибаси, қатъиятлиги муҳим омил булди. Зеро, мураббийнинг саъй-ҳаракати билан қишли-қировли кунларда талофатнинг олди олинди. Яйлов дарғасининг қувончи чексиз. Сабаби ўғиллари Равшанжон, Рустамжонлар ҳам яхши чўпон бўлиб етишишди. Уларнинг ниятлари келаси мавсумдан мустақил ишлаш. Ота-бола чорвадорлар бу йил ҳар юз совлиқдан 105 тадан дуркун қузи олишга эришдилар. Уларнинг асосий қисми яйратиб устирилмоқда.

«АНДИЖОННОМА»

Утган йили Асака тумани деҳқонлари давлатга пахта топшириш режасини мамлакатда биринчи булиб бажариб, ҳурматли Президентимиз табригига сазовор булишганди. Бу барчага куч-қувват бағишлади. Қиш ойларида ҳам тиним билмай меҳнат қилишди. Экин-тикин ишларига ҳар қачонгидан пухта тайёргарлик кўрилди. Жўшқин меҳнат маромининг яна бир сабаби бор: 1996 йил қузида Асака тумани ташкил этилганлигининг 70 йиллиги нишонланади. Шу боис райондаги ҳар бир жамоа бу қутлуғ санани муносиб меҳнат совғалари билан қаршилаш учун бор имкониятни ишга солишмоқда.

Асакада бу йил ҳам чигит экиш ғоят қисқа муддатда амалга оширилди. 4594 гектарга барака уруғи пуштага экилди. 467 гектарга эса пленка остига жойлаштирилди. Илғор жамоалар ниҳоллар парваришини бошлаб юбордилар.

«ФАРҒОНА ҲАҚИҚАТИ»

Бувайда туманидаги «Бувайда» жамоа хўжалигида пилла-чилик етакчи соҳалардан бири ҳисобланади. Кумуш тола ижодкорлари ўтган йили 566 қути қурт уруғини меҳр билан парваришлаб, ҳар қутисидан 80 килограммдан ҳосил етиштиришганди. Мавжудахон Аҳмадқулова, Бахтиержон Меликўзиев, Мақсудахон Турсунова сингари тажрибали пиллакорлар эса бу кўрсаткични 120 килограммгача етказиб, довруғ таратишди.

Соҳа жонқуярлари бу йил 633 қути қурт уруғини парваришлашга киришдилар. Махсус ажратилган хоналар дезинфекция қилиниб сукичаклар ўрнатилди. Муҳим ишда масъул кишиларга ҳар томонлама мадад кўрсатилмоқда. Мазкур жамоада пилла етиштириш йил сайин ортиб бораяпти. Асосий омиллардан бири озуқа базаси мустаҳкам. Ҳар бир тут дарахти меҳр билан парвариш қилинади. Янги экилган ун минг туп тут ҳам юз фоиз қўкартириб олинди.

— Кумуш тола етиштиришнинг ўзига хос қийинчиликлари мавжуд, — дейди хўжалик агрономи Икромжон Тешабоев. — Ҳал қилувчи дамларда одамларимиз кечаю-кундуз тиним билишмайди. Сифатли ҳосил етиштириш учун барча имконият ишга солинади. Шу боис ҳар йили зиммадаги вазифани ортиғи билан адо этишга эришиб келаяпмиз. Президентимизнинг ҳаётбахш фармони шарофати билан ипак қурти парваришига киришиш олдидан соҳа кишиларига аванс тариқасида пул ажратилиши барчанинг руҳини кўтарди, қўшимча омилларни ишга солиш имкониятини яратди. Ниятимиз мустақиллигимизнинг беш йиллиги шарафига ҳар қути қурт уруғидан 80 килодан ошириб кумуш тола йиғиштириб олишдир.

«ХОРАЗМ ҲАҚИҚАТИ»

Урганч туманидаги «Дўрмон» жамоа хўжалиги фуқароси Йулдош Собиров ва «Гулистон» жамоа хўжалиги аъзоси Эрка Одамбоев ўзаро тиллашиб эгри йул билан мумай пул топиш пайига тушдилар. Тоғни урса талқон қиладиган йигитлар мақсадларини руёбга чиқариш йулида хўп изғишди. Охир-оқибат вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан муҳофазага олинган тўқайзорлардан 83 дона тўронги дарахтини кесиб олиб кетишди. Бу билан табиатга, неча йиллардан буён заҳмат чекиб, илмий изланишлар олиб бораётган кишиларга катта зиён етказишди. Эгри қўлларни топиш учун мутасаддилар кўп куч сарфлашди. Ниҳоят олғирлар қўлга тушдилар. Икки йигит эл-юрт ўртасида шарманда бўлди. Одил суд уларни қилмишларига яраша жазолади. Ҳар бири икки йилдан озодликдан марҳум этилдилар. Қилмиш-қидирмиш деб шунга айтадиларда.

Шолидан мўл ҳосил олай десангиз...

Тажриба, таҳлил, таклиф

Халқимизнинг гуручга бўлган талабини қондириш қишлоқ хўжалигида асосий вазифалардан биридир. Шолидан мўл ҳосил олиш учун об-ҳавонинг очиқ кунларидан унумли фойдаланган ҳолда экиш мавсумини ўз вақтида, сифатли ўтказиш лозим.

Республикамизда шоли икки усулда экилади. Биринчиси — асосий майдонда сеялкалар ёрдамида қуруқ тупроққа уруғ қадалиб, сунгра сув бостирилади. Иккинчиси, шолипояларга аввал сув бостирилиб, сунг ивитилган уруғлар сепилади.

Шолипояларда дастлаб бажариладиган юмуш шудгорларга оғир мола-тирмалар билан ишлов беришдир. Бу тадбир биринчидан, ёввойи ўтларнинг илдизларини ер юзига чиқариб йўқотса, иккинчидан уруғларнинг тезроқ униб чиқишига замин ҳозирлайди. Тупроққа ишлов бериш, техника воситаларининг ишлаши учун шароит яратилади.

Шолидан олинадиган ҳосилнинг 25-30 фоизи шолипояларнинг текислигига боғлиқ. Шунинг учун ҳар йили шолипояларни жорий текислаш асосий агротехник тадбир эканлигини ҳар бир шоликор яхши билмоғи лозим. Чунки бу тадбирнинг бажарилиши сарфланадиган сув миқдорини, ёввойи ўтларга қарши кураш усулларини, озиқлантириш тизимини ва уларнинг самарадорлигини ҳамда ҳосилдорлик даражасини белгилайди. Техник талаблар буйича полларнинг юза текислиги 5 см дан ошмасин.

Поллар юза текислиги 15 см дан кичик бўлган шароитда оғир грейдер ва узун базали ер текислагичлар билан, катта шароитда скрейперлар ёрдамида текислаш мақсадга мувофиқдир. Текислаш ишлари меъёрига етказиб бажарилгандан сўнг шолипоялар озиқлантирилади. Тавсияномаларга асосан утмишдош экинлар навларининг ўсиш даврларини ҳисобга олган ҳолда азотли ўғитнинг йиллик меъёридан (120-200 кг/га) 25-30 фоизи, фосфорли ўғитларнинг (120-150 кг/га) 100 фоизи ва калийли ўғитларнинг (100-150) фоизини (шурланмаган тупроқлар учун) экишдан олдин берилади.

Сувда экиладиган шароитларда экишдан олдин тупроққа фақат фосфорли ва калийли ўғит бериш билан чегараланиш лозим. Ёввойи ўтларга қарши курашда тупроққа бериладиган гербицидлардан ордрам ва агродрамдам ҳар гектарига 8-10 кг пуркагичлар ёрдамида сочилади. Типпли тирма ёки оғир дискали тирмалар ёрдамида тупроққа аралаштирилади. Гербицид берилган полларга шоли экиш ва сув бостиришни икки сутка давомида амалга ошириш керак. Чунки бу муддатдан ошиб кетса, гербицид ҳавога учиб, уларнинг самараси паст булади. Сувда экиш шароитида гербицидларни тариқсимон ўт уруғларининг униб чиқиш даврида сув билан бирга бериш мақсадга мувофиқ.

Шолининг ҳосилдорлик даражасини оширувчи муҳим омиллардан яна бири муқобил муддатларда сифатли уруғ экишдир. Кечпишар навларни («УзРОС-7-13», «Лазурний», «Интенсивний», «Аланга») Сурхондарё вилоятида 10 апреллдан 5 майгача, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида 15-30 апрелгача, ўртапишар навларнинг («Авангард», «Толмас», «УзРОС-59») Сурхондарё вилоятида 20 апреллдан 10 майгача, Тошкент ва Сирдарёда 20 апреллдан 10 майгача, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 1-10 майгача, эртапишар навларнинг («Нукус-2», Узбекский-5"), Сурхондарё вилоятида 5-20 май, Тошкент ва Сирдарёда 10-20, Қорақалпоғистонда ва Хоразмда ҳам уша кунлари экиш тавсия этилади. Шуни таъкидлаш жоиз, кечпишар навлари экишни 10-15 май, ўртапишар навларни 20-25 ва эртапишар навларини 5-10 майлан кечиктирмаслик керак.

Экиладиган уруғлар сифати уруғчилик хўжаликлари учун I-II синфдан, товар шоли етиштирувчи жамоалар учун II-III синфдан паст бўлмаслиги лозим.

Экишдан олдин пирикуляриоз касалига қарши кураш мақсадида бир тонна уруғга 2 кг полкорбацин фунгицидли билан ғилофлаб экиш самарали эканлиги тажрибаларда аниқланган. Экиш меъёри навлар хусусиятига, тупроқ шароити ҳамда экиш усулига боғлиқ. Районлаштирилган навлар ўрим-йиғимлан олдин ҳар бир квадрат метрда 200-300 та ҳосилдор поялари бўлишини таъминланса, демак, энг юқори ҳосилга замин яратилади.

Шоли экиш сеялкалар ёрдамида амалга оширилганда уруғлик 1-2 см чуқурликка (оғир тупроқли шароитда) тушиши даркор. Бу меъёрдан ошиб кетса, уруғларнинг униб чиқиш даражаси пасаяди. Кучатлар кескин сийраклашади. Енгил қумоқ тупроқли шароитда асосан тупроқ юзига сеялкалар ёрдамида сочиб экилиб, занжирлар ёки майда тишли тирмалар ёрдамида тупроқ билан ёпилади. Сўнг 5-10 см қатламда сув бостирилади.

Сувда экиш усули асосан тирманган, чизелланган шолипояларга фосфори ва калийли ўғитлар берилгандан сўнг сув бостирилиб (10-15 см) мола ёрдамида текисланади. Бир сутка ивитилган уруғ лойқалатилган сувга сепилади.

Маълумки, республикамизда кейинги йилларда қузги бошоқли дон экинлари 1 миллион гектардан кўпроқ ерга экилиб келинмоқда. Қузги ғалла ўримидан сўнг майдонларга шоли экиб юқори ҳосил етиштириш мумкин.

Узбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари академиясига қарашли Шоличилик илмий тадқиқот институтида 1993 йилдан бошлаб шолини қўчат усулида етиштириш буйича тажрибалар олиб борилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда. Қўчатхонага уруғ қузги ғалла экинларини йиғиштириб олишни ҳисобга олиб ўртапишар навлар 15-20 майда, эртапишар навлар 20-25 майда гектарига 650-700 кг уруғ экилади. Бир гектар ерда тайёрланган қўчат 10 гектар ерга етарли бўлади.

Қузги ғалла экинлари йиғиштириб олинган майдон тозаланиб 15-20 см чуқурликда шудгорланади ва оғир мола-тирмалар билан ишлов берилади. Кейин узун базисли ер текислагичда текисланади. Текислаш ишлари бажарилгандан сўнг далалар маъдан ўғитлари, фосфор ва калий тавсияга мувофиқ озиқлантирилади.

Далалар 15-20 июнда 5-7 см чуқурликда сув бостирилиб қўчатлар 15х10 ва 15х15 сантиметрда ҳар бир уяга 1-2 тадан қўчат ўтказилади.

Орадан 5-7 кун ўтгач, далалар азот ўғитининг йиллик меъёрининг 30 фоизи миқдорида озиқлантирилади. Қўчат ўтқазилган далаларда сув сатҳини 10-12 см миқдорида ушлаб туриш мақсадга мувофиқдир. Азотли ўғитнинг 40 фоизи биринчи ўғитлангандан сўнг 30 кундан ўтказиб берилади.

Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани «Ғайрат» жамоа хўжалигида 1995 йилда қузги бўғдой ўриб олингандан кейин 6 гектар майдонга шоли қўчат усулида экилиб, ўртача 50 центнердан шоли ҳосили олинди. Бўғдой ҳосилдорлиги 42 центнер бўлганини ҳисобга олсак, ҳар гектар майдондан 92 центнердан дон олинади.

Бу тажриба шуни кўрсатадики, қузги ғалла экинларидан кейин ўртапишар шоли навларини қўчат қилиб экиш ҳисобига юқори ҳосил олиш мумкин. Айниқса, мамлакатимизнинг аҳолиси зич жойлашган, сув таъминоти яхши минтақаларда бу тажрибадан кенг фойдаланиш жоиз.

Г. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Шоличилик илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.
З. ЖУМАНОВ,
агротехника бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

28 апрель — Қурбон ҳайити, умумхалқ байрами

Ислом ахлоқида унинг ҳуқуқий маросимлари, айниқса, икки асосий ҳайит — Ийд ал Кабир яъни катта ҳайит (Қурбон ҳайити), Ийд ал Фитр — Руза ҳайити (кичик ҳайит) муҳим ўрин тутади. Ийд ал Кабир ва ийд ал Фитр ҳайитлари Расули Акрам Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккаи Мукарамадан Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилган йиллари, яъни ҳижрий сананинг биринчи йилидан бошланган. Бу икки ҳайит кунларини барча мусулмонларнинг хурсандчилик ва ўйин-кулги билан нишонлашлари Муҳаммад пайғамбаримиздан суннат бўлиб қолган.

Ҳазрати Ойишаи Сиддиққа онамиз (Расулуллоҳнинг жуфти ҳалоллари) ҳикоя қиладиларки: «Мен ҳайит кунлари Расулуллоҳ билан бирга ҳабашларнинг ўйинларини томоша қилиб ўтирар эдим. Роса қўриб, тўйганимдан кейин қайтар эдик» (Бухорий ва Муслим ривоятлари). Яна Ойишаи Сиддиққа айтадиларки: «Бир ҳайит кунида мен икки жория қизларнинг ашулаларига қулоқ солиб ўтирган эдим, бехос отам Абу Бакр Сиддиқ келиб қолдилар. Бизни бу ҳолда кўриб уч марта «Бу шайтон наволари-ку!» деб қойиб бошладилар. Шунда ногоҳ Расулуллоҳ ҳам келиб қолдилар ва Абу Бакрга қараб: «Эй Абу Бакр, уларни ўз ҳолларига қўйинг, зеро ҳар бир халқнинг ўз байрами бўлади. Бугун бизнинг байрамимиздир», дедилар.

Ҳадиси Шарифларда таъкидланганидек, Муҳаммад алайҳиссаломнинг тоат-ибодат билан масрур бўлган табиатларига ҳаётнинг завқ-шавқлари ҳам бегона бўлмаган. Ў муборак зот ҳайит кунлари қуй-қўшиқлар тинглар, халқ томошаларини берилиб томоша қилар эканлар. Пайғамбаримиз суннатидан келиб чиқиб, ҳайит кунлари ўзбек халқининг ҳам азалий анъаналари бўлган чавандозлик, кўпкари, дор ўйинлари, қиличбозлик, кураш, мақом, халқ ашулалари қориклари уюштирилса қандай яхши бўларди. Зеро, ҳайит кунларини хурсандлик, тинч-тотувлик ва Яратганнинг тортиқ этган неъматларига шукроналик билан ўтказиш, қариндошлар, ёру биродарлар бир-бирларини зиёрат қилиб, қутлашиб, ҳол-аҳвол сўрашлари, кексаларни, беморларни бориб кўришлари хайрли ишлардан саналади.

Ҳайитлар эрталаб бомдод намозидан сўнг «Ҳайит намози» ўқиш ибодати билан бошланади. Қурбон ҳайитида эрталабки тамадди вожиб қилинган. Ҳайит намозлари жамоа бўлиб, намозгоҳларда, масжидларда ўқилади. Ҳайит намозларига тоза, чиройли, янги кийимлар кийиб, атир-упалар сепиб, хуш кайфият ва эзгу ниятлар билан бориш, бомдод намози ўқиб бўлингандан сўнг Ҳайит намозигача имом-хатиблар, қориларнинг эъзозларини тинглаш таомиллдир.

Бу улуғ айём кунлари болаларни ҳайитликлар билан сийлаш, бева-бечораларга, етим-есирларга хайрия ва садақалар бериш савоб ишлардан саналади. Қурбон ҳайитида мусулмонларга фарз қилинган исломнинг бешинчи устуни — Маккаи Мукаррамада мубарак ҳаж ибодати ҳам адо этилади. Аёнки, мубарак ҳаж ибодати ҳам имкони бор мусулмонларга фарз қилинган. Мубарак ҳаж ибодатининг ҳам хусусий расм-русумларидан энг муҳими Маккаи Мукаррамада Қурбон ҳайити намозини ўқиш ва жонлиқ сўйиб қурбонлик қилишдир. Маккатуллодаги муқаддас Каъба тавоф қилинади, Замзам қудуғидан обираҳмат суви ичилади ва бошқа расм-русумлар бажарилади. Ҳар йили мубарак ҳаж ибодатига 2,5-3 миллион аҳли муслим тўпланиб, иймон-эътиқод синовидан ўтадилар. Муқаддас Каъбада йил ал Кабир ҳайитида қатнашиб, мубарак ҳаж ибодатини адо этишга мушаррраф бўлганлар ҳожи фахрий унвонига сазовор бўладилар.

УЛУҒ АЙЁМ

Қурбонлик қилиш маросими дунё динларининг барчасида мавжуд. Зардуштийларнинг «Авасто», яҳудийларнинг «Таврот», «Забур», исавий (христиан)ларнинг «Инжил» китобларида ҳам қурбонлик қилиш маросими хусусида ривоятлар бор. Қурбонлик қилиш маросими исломда алоҳида нуфузга эга.

Қуръони каримнинг «Ва-с-соффот» деб номланган 37-сурасида иймон-эътиқод ва ундан келадиган фойдалар, кўфру исён ва ундан етадиган зиёнлар, Аллоҳ таолонинг амру фармонларига мунтазир зотлар ҳақида сўзланади: бир неча пайғамбарларнинг «чиройли амал қилгувчи» бандалар бўлганликлари, хусусан, Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таоло томонидан ўз ўғиллари Исмоилни қурбон қилишга буюрилгани ва уларнинг ҳар иккиси Яратганнинг амрига итоат этгани чоғларида, Аллоҳ таоло жаннатдан бир қўчқор чиқариб, Исмоил алайҳиссаломнинг ўринларига ўшани сўйишга буюргани ҳақидаги хабар билан иймон ва эътиқод синови зикр қилинади: «Бас, қачонки иккиси ҳам (Аллоҳнинг ваҳийсига) бўйсуниб, энди Иброҳим ўз ўғли Исмоилни қурбон қилиш учун пешонаси билан (ерга) ётқизган эдики, биз унга нидо қилдик: «Эй Иброҳим, дарҳақиқат, сен (қурган) тушингни рост-бажо қилдинг. Албатта биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. Албатта бу (Иброҳимнинг ўз ўғлини қурбон қилишга буюрилиши) очиқ-равшан имтиҳондир, холос. Биз (Исмоилнинг) ўрнига (Иброҳимга) катта бир (қўчқорни) сўйишни эваз қилиб бердик (уни жаннатдан туширдик). Ва кейинги авлодлар орасида (Иброҳим) ҳақида (ғўзал мақтовлар-олқишлар) қолдирдик».

Қурбон ҳайити куни бой-бадавлат, яъни имкони бор мусулмонлар ҳамда мубарак ҳаж ибодати мақомига эришганлар жонлиқ сўйиб қурбонлик қилишлари иймон-эътиқод имтиҳони сифатида вожиб қилинди. Қурбонлик гўштидан тайёрланган таомлар ўзи, оила аъзолари, қариндошлар, ёр-дўстлар ва қўшнилар билан баҳам кўрилади.

Қуръони каримнинг қурбонлик қилиш буюрилган оятларида шундай дейилади: «Биз (сизлардан аввалги мўъмин миллатлардан ҳам) барча миллатга (Аллоҳ) уларни ризқлантирган чорва молларини (сўйиш — қурбонлик қилиш) устида Аллоҳнинг номини зикр қилишлари учун қурбонлик қилишни буюрганмиз. Бас (барчаларингизнинг) Илоҳингиз бир Илоҳдир. Бас, Унгагина бўйсунингиз. Итоат қилгувчи зотларга хушхабар беринг. Улар Аллоҳ зикр қилинганда диллари қўрқувга тушадиган, узларига етган балоларга сабр-тоқат қиладиган, намозни тўкис адо этадиган ва биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладиган зотлардир. Биз туя-молларни (Байтуллоҳда) қурбон қилишни сизлар учун Аллоҳ қонунларидан қилдик. Сизлар учун уларни (қурбон қилишда) яхшилик бордир. Бас, улар сўйиш учун тизиб қўйилган ҳолларида Аллоҳнинг номини зикр қилингиз. Энди қачон енбошлари билан тушганларида (яъни жон таслим қилганларида) улардан ўзларингиз ҳам еяверинглар, (бировдан бир нарса сурамайдиган) қаноатли кишига ва (муҳтож) тиланчига ҳам едиринглар. Шукр қилишларингиз учун биз уларни (яъни туя, молларни) сизларга бўйсундирдик. Аллоҳга (қилган қурбонликларингизнинг) гўштлари ҳам, қонлари ҳам етмас. Лекин у зотга сизларнинг тақво-ихлосингиз етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли, у зотни улуғлашларингиз учун (яъни қурбонлик қилаётган пайтда Аллоҳнинг номини зикр қилишингиз учун) уларни сизларга бўйсундириб қўйдик. Яхшилик қилгувчиларга хушхабар беринг. Албатта Аллоҳ иймон келтирган зотларни мудофаа қилур. Албатта, Аллоҳ барча хоин ва куфрони неъмат қилгувчиларни суймас».

Қурбон ҳайити мусулмонларнинг энг катта шод-хурамлик байрами! Бу кун Узбекистон Республикаси Президентининг фармони билан дам олиш куни деб эълон қилинган. Шу боис бу улуғ айёмда одамлар ўртасида меҳр-оқибат жўшмоғи, хайр-саховат, иззат-ҳурмат, қадр-қиммат, одамийлик тантана қилмоғи вожибдир! Ўтганларнинг яхши фазилатлари эсланмоғи ғоятда савоблидир! Қариялар-га, ота-оналарга, келинларга, болаларга, етим-есирларга совға-саломлар улашиш руҳиятимизни беҳад кўтаради.

Ғуломхон ҒАФУРОВ.

Республика жамғарма банки давлат-тижорат Халқ банкига айлантирилгандан кейин аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси бирмунча ошди. Пул қадрсизланишининг олдини олиш, одамлар қўлидаги ортиқча пулларни мақсадли йўналишларда фойдаланиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятларда банкнинг янги бўлимлари очиляпти. Пойтахт вилояти Янгийўл туманининг Эски қовунчи қишлоғида очилган бўлим фикримизнинг далилидир.

СУРАТДА: қишлоқ фуқаролар йиғини раиси (чапдан) Абдурахмон Ғаниев, мижозлар Шаҳноза Умарова, Эргаш Ҳидиров ва банк назоратчиси Розия Фозиловалар янги очилган бўлим фаолиятидан мамнун.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Ҳар тўғрида

Квакухи қабиласидаги ҳиндуларда бирор кишидан пул ёки бирор нарса қарз олиш шармандалик ҳисобланади. Агар қарз олишга тўғри келса, ул шахс гаровга ўз исмини қолдиради ва қарз тўлагунча исмсиз кун кечиради. Қабиладошлар қарздорларни кўрганларида қўл силтаб, бепарвогина қўришадилар.

***

Италия қизлари турмушга чиқишлари учун қўлида макарондан таом тайёрлай олади деган ҳужжат бўлиши шарт, акс ҳолда никоҳ ўқилмайди.

***

Амозонка дарёсининг юқори қисмида виорани қабиласига мансуб ҳиндлар яшайди. Уларнинг тили ниҳоятда ўзига хос бўлиб, дунёдаги бирорта тилга яқин ҳам келмайди. Бу қабила фуқароси юрак ва сил хасталиклари нима эканлигини ҳам билмайди. Қабила одамлари жангари бўлиб, ўзларини ҳимоя қилиш учун ингичка найзасимон қуролдан учи заҳарланган ўқни пуфлаб отадилар.

***

Малайзиянинг Кедах штатидаги Паднаг Серей қишлоғида сўнгги 20 йилдан буён табиблик қилиб келаётган Аванг Саид 84 ёшида саксонинчи маротаба уйланди. Саид рафиқаларининг ҳаммаси ўз хоҳишлари билан турмушга чиқишган деб таъкидлайди. Маҳаллий аҳоли эса унинг бу ишларини хотинқизларни «ўзига ром қилиш» қобилияти билан изоҳлайди. Саиднинг 40 фарзанди бўлишига қарамай уларнинг кўпчилигини танимайди. Набиралари сони ҳақида умуман ҳеч нарса билмайди.

***

Африкадаги Нил дарёсининг юқори қисмида яшайдиган вилоят қабиласи эркакларининг бўйи 180-215 сантиметр келади. Қабила аёллари ҳам эркаклардан қолишмайди.

Тўпловчи: Шоилёс Шоҳайдар ўғли.

ГЎЗАЛ ХИСЛАТ, ТЕНГСИЗ БАХТ

Мусулмон дунёсининг буюк алломаси, Туркистон ва Термиз шаҳрининг номини бутун оламга ёйган машҳур олим, ҳадис илмининг билимдони Абу Исо Муҳаммад Исо ибн Савра Термизий 824 йилда Термизда туғилган.

Мамлакатимизнинг мустақилликка чиқиши, буюк боболаримиз бой меросидан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар қилди. Шулар қатори Ат-Термизийнинг «Саҳиҳи Термизий» (танланган ҳадислари) муҳтарам ҳамюртимиз Абдуғани Абдулло томонидан таржима қилинди. Мубарак Қурбон ҳайити арафасида ушбу китоб асосида аллома Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг одоб-ахлоқий қарашларидан бир шингили билан юртдошларимизни ошно этишга жазм қилдик. 1200 йилдирки, ушбу дурдоналар мусулмон дунёсининг маънавий хазинаси бўлиб хизмат қилиб келяпти. «Саҳиҳи Термизий» китоби ҳақида машҳур алломалардан Мавлоно Имом Абу Исмоил Абдулло ибн Муҳаммад Ансорий ҳазратлари шундай дейди. «Мусиз бахтдир. Тангримизнинг раҳми келсин деб илтижо қиламиз. Унинг раҳмини келтириш учун ўзимиз раҳмдил бўлишимиз даркор.

Анас ибн Молик шундай ривоят қилади: «Шайх, яъни Расулуллоҳ келдилар, қавм эса унга йўл очишда кечикди. Шунда Расулуллоҳ: «Кимки кичикларга раҳм қилмаса ва катталарга ҳурматиззат кўрсатмаса, биздан эмас», дедилар». Ёки «Раҳмонга ибодат қилинглар, саломни кенг ейинглар, жаннатга тинчлик билан кирасизлар». Ҳа, азизлар ушбу калиманинг каромати кенг, шарофати мўлдир. «Салом» ҳам ҳадислдан. Бировнинг ҳожатини чиқариш, ёрдам бериш ҳам инсонийликдир. Ҳадиси шарифда ушбу хислат ҳам мадҳ этилган: Абу Ҳурайранинг айтишича, ҳазрат Расулуллоҳ: «Кимки бир мўмин бошидаги дунё кулфатларидан бирини кўтарса, Аллоҳ таоло охират кулфатларидан бирини унинг бошидан кўтаради. Кимки, бир мусулмоннинг айбини яширса, уша кишининг айбини Аллоҳ таоло бу дунёда ва охиратда яширади. Бир банда бошқа бандага ёрдам берса, Аллоҳ унга ёрдам кўрсатади».

Дўстлик — инсонийлик белгиларидан энг улуғи. Уни Яратганнинг ўзи ардоқлаган. Абдулло ибн Амирнинг айтишича, ҳазрат Расулуллоҳ: «Дўстларнинг Аллоҳ ҳузурида энг яхшиси, ўз дўстига яхши бўлганидир; қўшниларнинг Аллоҳ ҳузурида энг яхшиси, ўз қўшнисига яхши бўлганидир». Дўстлик билан қўшничиликни бир ҳадисда мадҳ қилинишининг рамзий маъноси бор. Яхши қўшнилардан яхши дўст чиқади ёки яхши дўстинг қўшнинг бўлса бу тенгсиз бахт.

Инсонийлик хислатларидан камтарлик ажралиб туради. Улар босиқ, вазмин, фаросатли бўладилар. Абу Ҳурайра ривоят қилишича, Расулуллоҳ: «Садақа билан мол камаймайди, авф эттан кишининг мартабасини Аллоҳ баланд қилади, кимки Аллоҳ йўлида ўзини камтар тутса, Аллоҳ унинг мартабасини кўтаради». Доно халқимиз бекорга «Камтарга камол» деб айтмаган. Камтарларга Тангрининг назари тушиб, уларнинг мартабасини тағин ҳам устин қилади.

Ҳадисда Анас ибн Моликнинг айтишича, ҳазрат Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллом шундай деганлар: «Бир-бирингизни орангизни узманг, бир-бирингизнинг орқатдан айбингизни қидирманг, бир-бирингизни ёмон кўрманг, бир-бирингизга ҳасад қилманг. Аллоҳнинг яхши оғаини бандалари бўлинг. Мусулмон кипши ўз биродарини уч кундан ортиқ тарк этмаслиги лозим». Дарҳақиқат, иноқликда гап кўп. Яқинликнинг савоби сероб. Меҳр кўзда дейдилар, кўришиб туриш ҳам фазилат, ҳам катта ҳикматдир.

Инсоннинг одамийлигини белгилайдиган энг биринчи сифатлардан бири унинг тарбиявийлигидир. Абу Исо Термизий ҳазратларининг мубарак китобларида ушбу масалага ниҳоятда катта эътибор берилган. Бу пурҳикмат калималарга эътибор беринг: «Ҳеч бир ота яхши адабдан ва ғўзал ахлоқдан кўра яхшироқ нарсани ўз фарзандига ҳаҳ қилмайди».

Табаррук китоб бўлмиш Термизий ҳазратларининг жавоҳирлар хазинасида яна бир буюк хислатга эътибор берилган, бунинг отини қариндошлик дейди. Абу Исо айтурки, ушбу ҳадис ҳам саҳиҳдур. Абу Ҳурайранинг ривоят қилишича, ҳазрат Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Насабларингиздан ўз қариндошлик ришталарини боғлашни ўрганинглар, чунки қариндошлик ришталари аҳоли ичида муҳаббат, мол-дунёга барака ва келажак учун сармоя қолдиради». Жуда маъқул ўгитдир. Қариндошлар яқинлашса, бойликка бойлик қўшилади. Яқинлик ришталари муқаддасланади. Қут-барака ҳам қариндошларнинг яқинлигида. Инсонийлик хислатларидан ҳаё, андиша, фаросатни юқори қўяди, у зот: «Ҳаё иймондадир, иймон эса жаннатдадур, ҳаёсизлик жафодир, жафо эса дўзахдадур».

Инсонийликнинг олийси мулойимликдир. «Кимгаки Аллоҳ таоло мулойимликдан бир ҳиссасини берган булса, у яхшиликдан ўз ҳиссасини олган ҳисобланади. Кимгаки Аллоҳ таоло мулойимликдан бир ҳиссасини берган бўлмаса, хайрликдан бир ҳисса маҳрум этилган банда ўлир».

Иллатларнинг ичида ғазабланиш доимо тавқи лаънатга лучор қилинган. Муқаддас калималарда ушбу иллат танқид остига олинган. «Саҳиҳи Термизий»да ҳам ғазабланишнинг оқибати ҳунуклиги ҳақида каромат қилинган. Мана: 2020-нчи ҳадисда Абу Ҳурайра шундай ривоят қилади: «Бир киши Набиий салаллоҳу алайҳи вассалам ҳузурларига келиб: «Менга бир нарса ўргатингки, қисқа бўлсин, уни ёдимда сақлай» деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ғазабланма», деб бир неча бор такрор айтдилар. Бошқа пайт ҳам ҳар гал «Ғазабланма дер эдилар». Дарҳақиқат, ғазабни доно халқимиз ўтга ўхшатади. Ғазаб келса, ақл кетади, деган ҳам нақл бор. Ғазабдан азобланганлар ҳаётда жуда кўп.

«Мумин кишига қасддан зарар келтирган ва унга фириб берган киши мальундир деганлар». Ёлғон ҳақида Термизий ҳазратлари айтади, «Ибн Умарнинг айтишича, ҳазрат Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Агар банда ёлғон сўзласа, унинг бадбўй ҳидидан фаришталар бир йил масофага қочадир». Фаришта қочими бало босиб, шайтонга йўл очилгани. Бу муқаддас китобда бировга душманлик қилиш ҳам қораланади. Фақат пасткам одамлар тарафкашлик қилиб, душманликни ўйлаб юради. Улар рақибидан уч олади. Шунинг учун «Саҳиҳи Термизий»да мана бундай йўриқлар бор. «Ибн Аббоснинг айтишича, ҳазрат Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: Бировга душманлик қайфиятида юрмоқ гуноҳдир», деганлар. Демак, Абу Исо Термизийнинг муқаддас китоби одамларни яхшиликка, эзгуликка чорловчи, инсофга чақирувчи, тўғриликка ундовчи табаррук мажмуадир.

Мусоқул УСМОНОВ, профессор.

Футбол Футбол Футбол Футбол Футбол

МАВСУМ ОРЗУСИ

Бағдод туманида каттаю кичик футболга ишқибоз. Бу командага руҳ бағишлайди, албатта. Бироқ ўтган йили республика чемпионати биринчи табақа ўйинларида қатнашган «Бағдодчи» 12 ўринга тушиб қолиб мухлисларининг ҳафсаласини пир қилган эди. 1993 йили эса олий лига учун курашда учинчи ўринда қолганди. Туман ҳокими бу йилги мавсумда команданинг аввалги мавқеини тиклаш ҳамда уни мамлакат олий лигаси сафига олиб чиқиш ниятида жуда катта тадбирларни амалга оширди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатда футболни ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари дастуриламал қилиб олинди. «Бағдодчи» футбол клуби ташкил қилинди, унга туман ҳокими Абдуқаҳҳор Абдусаматов президент, спорт усталари Валижон Солиев жамоага бошлиқ, Ҳакимжон Номозов тренер этиб сайланди. Бағдод дон маҳсулотлари комбинати команданинг бош ҳомийси ва таъсисчиси бўлди. Туманда 43 та ташкилот ва жамоа хўжаликлари футбол федерациясига аъзо бўлишди.

— Хўш, «Бағдодчи» мавсумга қандай тайёргарлик кўрди, у олий лигага чиқа оладими? Бу саволга команда бошлиги Валижон Солиев жавоб қилди.

— Янги футбол клубининг ўйинчига талаби жуда қаттиқ, аввалари ўйинчи ҳоҳласа келарди, бўлмаса йўқ, энди бундай интизомсиз футболчи бўлмайди. Команда таркибига кирган барча ўйинчилар шартнома асосида қабул қилинади. Бу йил ўйинчилар таркибида катта ўзгаришлар бўлди. Аввал «Бағдодчи» да ўйнаб, иқтисодий қийинчиликлар сабаб бошқа командаларга ўтиб кетган футболчилар қайтиб келишди. Масалан, Маргилоннинг «Атласчи» командасидан ҳужумчи Фарҳод Эргашев, ярим ҳимоячи Фарҳод Салимов, «Темирйўлчи» командасидан ярим ҳимоячи Баҳром Азимов, Конибодомнинг «Пахтакор» илан ҳужумчи Маъмуржон Бекназаров, Марказий армия спорт клубидан ҳимоячи Акмал Абдурасулов «Бағдодчи»га қабул қилинди. Узимиздаги иқтидорли ёш ўйинчилар қайта тайёргарликдан ўтишди. Мақсадимиз олий лигага чиқиш.

Футболни ҳомийларсиз ривожлантириб бўлмайди, туман ҳокими ёрдами билан команда сарф-харажатларига тегишли маблағ жамгарилди, ўйинчиларга 200 минг сўмга кийим-бош, бутсилар, 15 дона туп сотиб олинди, вилоят футбол федерациясига аъзолик бадаллари олдиндан тўлаб қўйилди.

Футболчиларни янада қизиқтириш мақсадида ҳокимиятнинг «энг яхши ҳужумчи», «энг яхши ҳимоячи», «энг фидойи мухлис» мукофотлари ташкил қилинди, ўйин давомида клуб кенгашининг қарори билан мукофотлар голибларга бериб борилади.

— Команданинг ҳозирлиги бирор синовдан ўтказилдими?

— Айни пайтда команда ўйинчилари ҳар куни 4-5 соатлаб шуғулланмоқда. Бир неча командалар билан ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Андижоннинг «Наврўз», Фарғонанинг «Тўқимачи» командаси билан бўлган учрашувда 3:1 ҳисобида ғалаба қилдик, Узбекистон кубоги учун бўлган мусобақада «Ёшлик», «Атласчи» ва «Шаҳристон» командалари билан куч синашиб, бир ютуқ, икки мағлубиятга учрадик.

Узбекистон чемпионати биринчи табақа ўйинларида 27 футбол командаси куч синашади. Шунда 1-2 ўринни эгаллаган командалар олий лигага йўлланма олади. Мақсад шунга эришиш. Клубда 20 нафар ўйинчи бор. Ўриндошлик гуруҳига собиқ футболчи Акмалжон Сиддиқов тренерлик қилиб, ёшларга футбол сирларини ўргатмоқда.

— Туманда футболнинг келажаги қандай бўлади?

Бу саволга туман спорт қўмитаси раиси Бахтиер Ҳайдаров жавоб берди:

— 10-урта мактаб ҳузурида ёш футболчилар мактабини ташкил қилганмиз, унда қизиқувчи ёшлар шуғулланмоқда. Фарғона футбол мактабида 8 нафар ёшлар 2 йилдан бери ўқиб, махсус тайёргарликдан ўтмоқда. Тумандаги барча ҳўжалик ва ташкилотларда 31 та ёш футболчилар командалари тузилди, ўйинғоҳлари ташкил қилинди. Бу соҳада иш олиб бораётган спорт йўриқчиларига етакчи мутахассисларнинг ойлиги даражасида маош тўланмоқда. Бу тадбирлар туманда келажакда футбол шарафини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Туман ўйингоҳи ҳомий ва таъсисчи томонидан қайта таъмирланди, мухлисларга қулай шароитлар яратилди. Яқинда республика футбол федерацияси вакили Ахбор Имомхўжаев келиб, ўйингоҳнинг тайёргарлигини кўриб чиқиб, қабул ҳужжатларига имзо чекишди. Томошабинларни қизиқтириш мақсадида мавсум учун таклиф гувоҳномалари тайёрланди ва мухлисларга тарқатилди. Стадионда мусобақа вақтида спортнинг бошқа турлари бўйича чиқишлар қилиш учун шароит ҳозирланди. Хуллас, Бағдодда футбол дадил қад ростламоқда.

Раҳим Мелибоев, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Утган йили мамлакат биринчилиги олий лигасида деярли бутун мавсум давомида қизиқ туп суришлар гувоҳи бўлган мухлислар бу йилги мусобақаларнинг бошланишини орзиқиб қутишганига шубҳа йўқ. Дастлабки учрашувлар шундан далолат берадики, бу йил ҳам ишқибозларни яшил майдонларда муросасиз беллашувлар кутмоқда.

Турт карра ғолибликни қўлга киритган «Нефтчи» ва «Атласчи» ўйинини олиб қўрайлик. Уз майдонида туп сурган маргилонлик футболчилар асло ён босиш ниятида эмасликларини амалда намойиш этишди. Пировард-натижада учрашув 4:3 ҳисобида фарғоналиклар ҳисобига якунланган бўлса-да, «Нефтчи»нинг бу яқин орада уч туп ўтказиб юборганини эслай оласизми?

Биллур соврин соҳиби «Навбаҳор» ҳам ўз майдонида қаттиқ қаршиликка дуч келди. «Трактор» футболчилари нуфузли рақибга осонликча уч очко бериш ниятида эмаслиги яққол сезилиб турди. Тўғри, наманганликларнинг ҳужумчилари бироз совуққонлик билан ҳаракат қилиб мўлжални аниқ нишонга олганликларида эди, шубҳасиз, «Навбаҳор» бир туп билан кифояланмасдан йириқроқ ҳисобда ғалабани қўлга киритиши аниқ эди.

ШИДДАТЛИ БАҲСЛАР

Олдинги мавсумда сўнгги палларга олтин медалга асосий даъвогарлардан бўлган МҲСК бу йил ҳам катта ният йўлида туп суришга аҳд қилганлиги илк ўйиндаёқ ошкор бўлди. Урганч динамочилари армиячиларнинг шиддаткорлигига қарши бирон-бир тадбир тополмасдан ўз майдонларида мағлубиятларини тан олишди — 0:4.

Бу йил медаллар учун курашишга қатъий бел боғлаган «Пахтакор» 2:1 ҳисобида Самарқанд динамочиларидан устун келди. Тошкентликларнинг камтарона ғалабасидан шошма-шошарлик билан хулоса чиқармаслик жоиз. Айни чоқда «Пахтакор» ҳужумчилари кубок беллашувларида ҳам рақиб дарвозасини ишғол қилишда сусткашликка йўл қўйганликлари ҳушёр торттиради. Фақат Дилмурод Назаров бундан истисноднр.

«Дўстлик» (собиқ «Политотдел») мавсумга яхши тайёргарлик кўрганлигига мухлислар Узбекистон кубоги учун баҳсларда яққол ишонч ҳосил қилишган эдилар. Лекин «Янгиер» устидан 2:1 ҳисобида эришилган ғалабани сўзсиз устунлик натижаси деб бўлмайди.

Дастлабки турлари диққатга сазовор натижа хусусида сўз юритадиган бўлсак, биринчи навбатда «Суғдиёна» жамоасини тилга олишимиз керак. Термизда АСК билан туп сурган жизжахлик футболчилар 2:0 ҳисобида мезбонларни доғда қолдиришди. Утган йили молиявий жиҳатдан анча қийналган, бу йил ҳам қатор етакчи ўйинчилардан ажраб қолган «Суғдиёна» мураббийлик қилиш билан бирга ўзи ҳам майдонда туп сурадиган Б. Ғафуров етакчилигида сабот билан олга интилмоқда. Ўйлаймизки, бу интилиш бесамара кетмайди.

Биринчи турнинг қолган учрашувлари натижалари: «Нурафшон» — «Машъал» — 1:0, «Косонсой» — «Наврўз» — 0:1.

Ш. АЛЛАМОВ.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ, АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

БУҒДОЙ СОМОНИ, ШОЛИ ПОХОЛИ СОТИБ ОЛАМИЗ

Ангрендаги «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти хўжаликлар, ташкилотлар ва аҳолидан буғдой сомони ҳамда шоли похолини чекламаган миқдорда сотиб олади. Уларни корхонага ташиб келтириш харажатларини ҳам қўшиб ҳисоблаб, ҳар килограмм учун 3 сўмдан ҳақ тўланади. Банк орқали пул ўтказиш йўли билан, векселлар орқали ҳисоб-китоб қилинади. Буғдой сомони ёки шоли похоли топширганлар мол айирбошлаш усулидан фойдаланиб, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар — уроб қоғози, гофри (қоғоз катакли) ящиклар, муқовабоп картонлар, силикат клейи, шунингдек, пахта ёғи, ароқ-вино, лампочка ва бошқа қундалик эҳтиёж молларини олишлари ҳам мумкин.

Сомон ва похол қуйидаги манзилда қабул қилиб олинади: Ангрен, Гулбоғ посёлкаси, «Саноатқалинқоғозсавдо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: 8-266-2-24-20; 3-74-26; 3-76-03.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДОН ҚАБУЛ ҚИЛИШ КОРХОНАСИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Бухгалтер» аудиторлик фирмаси 1996 йил 23-25 апрель кунлари «Тошкент шаҳар дон қабул қилиш корхонаси» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳужжатларини таҳлил этиш йўли билан текшириш ўтказди. Бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб бориш усулларига баҳо бериш асосида ўтказилган ушбу текшириш ҳисоботларда қайд этилган қуйидаги маълумотлар ва суммалар тасдиқланди:

моллар /иш, хизматлар/ни сотиш натижаси - 108 минг сўм;

асосий фондлар ва бошқа активларни сотиш натижаси - 1052 минг сўм;

баланс фойдаси - 705 минг сўм;

Устав жамғармаси - 25946 минг сўм.

«Ўздонмаҳсулот» давлат ҳиссадорлик корпорацияси «Тошкент шаҳар дон қабул қилиш корхонаси» ҳиссадорлик жамиятининг асосий таъсисчиси ҳисобланиб, акцияларнинг 51 фоизи унга тегишлидир.

«Тошкент шаҳар дон қабул қилиш корхонаси» ҳиссадорлик жамиятининг ҳурматли акционерлари! Сизларни 1996 йил 27 апрель соат 17-00 да ўтказиладиган акционерларнинг йиғилишига таклиф этамиз. Йиғилиш қуйидаги манзилгоҳда бўлади:

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Кошелев кўчаси, 124-уй.» Тошкент шаҳар дон қабул қилиш корхонаси» ҳиссадорлик жамияти биноси.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан Комилов Ўлмас номига берилган А. № 034004-рақамли йўқолган рухсатнома бекор қилинади.

«Қишлоқ ҳаёти» газетаси собиқ бўлим мудири С. Р. Сирожиддиновга падари бузруквори

РАМЗИДДИН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ГОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙЛАР: «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0185, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30 Нусхаси 15881.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.